

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -  
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ)  
МАРКАЗИ**

**“ТАДБИҚИЙ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2019**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	99
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	102
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	104
VII. ГЛОССАРИЙ .....	105
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	109

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**



#### **“ТАДБИҚИЙ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

#### **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Психология**  
**Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасаларининг**  
**профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2019**

*Мазкур ишчи дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 2 ноябрдаги 1023 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастур асосида ишлаб чиқилган*

**Тузувчи:**

доцент Н.А.Мираширова

**Такризчи:**

Психол. фанлари номзоди, доцент А.Расулов

*Ишчи ўқув дастур ЎзМУ нинг Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори ҳамда 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 – сонли Фармонида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “тадбиқий ижтимоий психоогия” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари.**

#### **“Тадбиқий ижтимоий психоогия” модулининг мақсади:**

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борадаги хорижда ва мамлакатимизда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

#### **Модулининг вазифалари:**

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- Амалий психология йўналишида ўқитишнинг энг сўнгги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш.

- тингловчиларга “тадбиқий ижтимоий психоогия” масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- таълим-тарбия жараёнида фанларнинг мазмуни, функциялари, таркибий унсурларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш;

**Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетентлигига қўйиладиган талаблар.**

«Тадбиқий ижтимоий психоогия» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- замонавий психологиядаги методлар муаммосини;
- психологик текширув ва тадқиқотларни ташкил этишни;
- психология методлари ва методикаларини классификациясини;
- шахснинг психодиагностик баҳолаш ва унга доир

методикаларни;

- шахс сўровномаларини ишлаб чиқишга доир муаммоларни;
- психометрика ва унинг мезонларини;
- психологик фаолиятда гуруҳий усулнинг афзалликлари ва

камчиликларини;

- тадбиқий ижтимоий психология фанининг предмети ва асосий йўналишларини;

- тадбиқий ижтимоий психологиянинг табиий ва ижтимоий фан сифатида талқин қилиниши;

- тадбиқий ижтимоий психологиянинг асосий муаммолари;
- педагог фаолиятида тадбиқий ижтимоий психология етакчи

аҳамиятга эга эканлиги;

- психология фанининг замонавий тадқиқотларининг устивор йўналишлари,

- фан доирасида тўплаган билимларнинг амалиётда қўлланишини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- психологик баҳолаш воситаларини психометрик мезонлар бўйича текшириш;

- тадбиқий ижтимоий психологиянинг асосий муаммоларини таҳлил қилиш;

- психологик фаолиятда гуруҳий усулнинг афзалликлари ва камчиликлари аниқлаш ва амалиётда қўлаш;

- психологик билимларни тадбиқ этишда психотехникага эга бўлиш;

- ўқитувчи шахсига қўйиладиган психологик талабларни амалиётга жорий этиш;

- фан доирасида интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- психологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш;  
- шахс сўровномларини такомиллаштириш;  
- психологик тестларини ўлчаш, уларнинг ишончлилиги ва валидлигини таъминлаш;  
- ўқувчиларнинг психологиясига қўйиладиган хос хусусиятларни ўрганиш бўйича экспериментлар ўтказиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- тадбиқий ижтимоий психологиянинг илмий йўналишларида фойдалана олиш;  
- психологик фаолиятда гуруҳий жараёнини бошқариш;  
- коммуникативликни ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

«Тадбиқий ижтимоий психоогия» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;  
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

«Тадбиқий ижтимоий психоогия» модули ўқув режадаги бошқа модуллари ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни.**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

**«Тадбикий ижтимоий психология» Модули бўйича соатлар тақсимоги.**

№	Мавзу номи	Жами аудитория соати	Аудитория		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғуло
1.	Таълим жараёни ва тадбикий ижтимоий психология.	4	2	2	
2.	Педагог фаолиятида тадбикий ижтимоий психология етакчи аҳамиятга эга эканлиги	4	2	2	
3.	Тадбикий ижтимоий психология фани умумий психология фанининг тармоқлари билан боғлиқлиги	6	2	2	2
4.	Тадбикий ижтимоий психологияда шахс муаммоси	2		2	
	<b>Жами: 16</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1 - Мавзу. Таълим жараёни ва тадбикий ижтимоий психология**

Таълим жараёни ва тадбикий ижтимоий психология. Тадбикий ижтимоий психология табиий ва ижтимоий фан сифатида. Тадбикий ижтимоий психология фанининг предмети ва асосий йўналишлари. Тадбикий ижтимоий психологиянинг асосий муаммолари.

**2 - Мавзу. Педагог фаолиятида тадбикий ижтимоий психология етакчи аҳамиятга эга эканлиги**

Педагог фаолиятида тадбикий ижтимоий психология етакчи аҳамиятга эга эканлиги. Тадбикий ижтимоий психологиянинг илмий йўналишлари ва мактаблари. Ўзбекистонда тадбикий ижтимоий психология фанининг ривожланиш тарихи.

**3 - Мавзу. Тадбикий ижтимоий психология фани умумий психология фанининг тармоқлари билан боғлиқлиги**

Тадбикий ижтимоий психология фани ижтимоий психология, оила психологияси, шахс психологияси, мулоқот психологияси, амалий психология, психодиагностика, психотерапия, психогигиена ва психокоррекция соҳалари билан боғлиқлиги.



#### **4 - Мавзу. Замонавий психологик тадқиқотларнинг устувор йўналишлари, уларда тўпланган билимларнинг амалиётда қўланиши**

Замонавий психологик тадқиқотларнинг устувор йўналишлари, уларда тўпланган билимларнинг амалиётда қўланиши.

#### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

##### **Кўчма машғулоти ташкил этиш шакли ва мазмуни**

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;

- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

Кўчма машғулоти учун қуйидаги мавзу тавсия этилади:

1-мавзу: Тадбиқий ижтимоий психология фани умумий психология фанининг тармоқлари билан боғлиқлиги.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий ҳулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

##### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”. 2011. - 440 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

19. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти. 2013, 2016. – 279 б.

20. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”. 2012. – 319 с.

21. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi. 2017. - 256 стр.

22. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков И.К. 2018. - 304 с.

23. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

24. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

25. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

26. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

27. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.

28. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN. 2015. – 572 b.

29. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

30. Джеймс Гудвин. Исследования в психологии: методы и планирование.-СПб: Питер.-2004.-556 с.

31. Артемьева О.А. «Качественные и количественные методы исследования в психологии// Учебное пособие.-М., Издательство: "Юрайт".-2018. -504 с.

32. Носс И.Н. Качественные и количественные методы исследований в психологии. М., 2014.

33. Р.Майкл Фер. Психометрика: Введение.-Челябинск: Издательский центр. ЮУрГУ. 2010.-445 с.

34. Ғозиев Э. Ғ. Ижтимоий психология. – Тошкент., 2012.

35. Каримова В.М. Социал психология. – Тошкент, 2012.

36. Каримова В.М. Этнопсихология. Т.2012.

37. Абдурахмонов Ф., Абдурахмонова З.Э. Дин психологияси. – Т., 2011.

38. Варга А. Введение в семейную психотерапию. – М., 2011.

#### IV. Интернет сайтлар

39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

40. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

41. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

42. Электронная библиотека. <http://www.koob.ru>

43. Материалы по психологии. <http://www.psychology-online.net>

44. Психологическая библиотека «Самопознание и саморазвитие»: <http://psylib.kiev.ua/>

45. «Флогистон: Психология из первых рук» <http://flogiston.ru/library>

46. Сайт «Психология на русском языке»: <http://www.psychology.ru/Library>

47. Сайт «Мир психологии»: <http://psychology.net.ru/articles>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна: “Интернетнинг мультимаданий мулоқот майдони”**  
фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно аниқлаши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.



**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

<b>Тушунча</b>	<b>Хал қилувчи куч</b>	<b>Самараси нимада акс этади</b>	<b>Ёндашувни илгари сурган олимлар</b>
<i>Постиндустриал жамият</i>			
<i>Ахборот жамияти</i>			
<i>Билимларга асосланган иқтисодиёт</i>			
<i>Виртуал жамият</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гурухларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурухларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Хар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тугри жавоб учун 1-3 гача балл куйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гурухлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гурухни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат килинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<i>1- гуруҳга вазифа</i>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- <i>плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</i></li><li>- <i>“Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</i></li><li>- <i>“Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали</i></li></ul>
--------------------------	--

<p style="text-align: center;">2- гуруҳга вазифа</p>	<p>Слайд-шоу. Фолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда сураатлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Сураатлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз биланбиргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган сураатлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>
<p style="text-align: center;">3- гуруҳга вазифа</p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришининг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдими учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосураатлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида муסיқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган сураатлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>

*4-гuruhga vazifa*

*- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишида, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишида актуалдир.*

*- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.*

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1 – Мавзу: Таълим жараёни ва тадбиқий ижтимоий психология.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Тадбиқий ижтимоий психология табиий ва ижтимоий фан сифатида.
- 1.2. Тадбиқий ижтимоий психология фанининг предмети ва асосий йўналишлари.
- 1.3. Тадбиқий ижтимоий психологиянинг асосий муаммолари.


**Таянч тушунчалар:** ижтимоий психология, социология, этнопсихология, шахс ижтимоийлашуви, социометрия.

#### **1.1. Тадбиқий ижтимоий психология табиий ва ижтимоий фан сифатида.**

Машҳур рус олимаси, собиқ иттифоқда ижтимоий психология фанининг асосчиларидан бири, ижтимоий психология бўйича илк дарслик муаллифи Г.М.Андреева ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми, унинг ушбу фан предметиға ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришға интилса, психолог конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамият қонун қоидаларига татбиқ этишға ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Г. Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил: социологик, психологик ва социопсихологик ёндашиш мавжудлигини асослайди. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан булиб ажралиб чиқишиға сабаб булган илмий манбалар икки фан психология ва социология

фанларининг эришган ютуклари ва хар кайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна кушимча алохида фаннинг булиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди. Шунинг учун хам узок йиллар мобайнида ижтимоий психология сохасида таджикотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига караб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яккол кузга ташланди.

Ижтимоий психология фанинг предметини ҳозирги кунда қуйидагича таърифлаш мумкин: **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ** – одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасавурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, хис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шаклларини тушунтириб берувчи фандир.



Кўп вақт давомида ижтимоий психология фанининг предмети борасида тортишувлар кечгандир. Сабаби - ижтимоий психология фани икки турдаги қонуниятлар – ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятлари билан иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак ижтимоий психологик мавзу бахси ва у ўрганадиган соҳалар борасида турлича қарашлар ва тортишувлар мавжудлигини кузатамиз.

Ижтимоий психологиянинг мавзу бахсини таърифлашга айнан психологик ёндашув А.В.Петровский ва В.В.Шпалинскийларнинг «Жамоанинг ижтимоий психологияси» китобларида баён этилган. Бу муаллифларнинг фикрича, “Ижтимоий психология” – психология фанининг шундай тармоғики, у турли уюшган ва уюшмган гуруҳлардаги одамларнинг мулоқоти, ўзаро таъсир муносабатларидан келиб чиқадиган психик ходисаларни ўрганади. Шунинг учун ҳам Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу бахси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш борлигини эътироф этади. Биринчиси, социологик ёндашиш бўлиб, унинг тарафдорларининг фикрича, ижтимоий психология асосан оммавий психологик жараёнларни халқлар психологияси, оммавий маросимлар, удумлар, расм – русумларнинг инсон хулқ-атворида намоён бўлишини ўрганиши керак. Иккинчи психологик ёндашув тарафдорлари асосан психологлар бўлиб, улар асосий диққатни шахснинг ижтимоий психологик ҳислатларига, унинг турли гуруҳларда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий установкалар ва хоказоларга қаратмоқ лозим деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, ҳозирда ҳам социологик ҳам психологик қарашларни биргаликда мужассамлаштираётган олимлар ҳам борки, улар ҳам оммавий жараёнларни, ҳам шахснинг шу жараёнлардаги хулқ-атворини мотивларини ўрганишни ёқлаб тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Америка ижтимоий психологиясида ҳам ижтимоий психологиянинг мавзу бахси борасида узоқ тортишувлар мавжуд бўлган. Чунки шу пайтгача шахс ва жамият борасида муоммолар соҳасида икки хил ёндашув бўлиб келган эди: психология инсон табиатини, унинг психикасини, социология эса, жамият табиатини, психикасини ўрганиб келади. Ижтимоий психология пайдо бўлдики, у инсоннинг жамиятга муносабатининг психологик томонини ўрганмоқда.



Демак, хар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларига риоя қилган ҳолда навбатга ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатларини ва қонуниятларини тушунтириб бериш итимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан елиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси – баркамол авлод тарбиясини, таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар; моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини ҳаётга тадбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзгаларга таъсир этиш механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир. Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология олдида қандай вазифалар мавжуд? Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Хар бир унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-кўйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳказолардир. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ- атори, мавқеи, унга навбатга хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш – бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жихатидан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Шахсни ижтимоий психологик ўрганиш тадқиқотларнинг объекти сифатида қаралганда, аввало унинг хулқ-

атвори, ижтимоий мотивлар, унинг йўналишлари, хулқ-атвори, нормалари, шахснинг жамиятдаги турли ижтимоий роллари, мавқеи, ижтимоийлашуви; шахснинг ўз-ўзига баҳоси, муносабати, ҳурмати ҳамда ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароитларнинг шахс онгига таъсири, шахс типлари ўрганилади.

Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар ижтимоий психология учун тадбиқий аҳамиятга эга. Ижтимоий психологияда оммавий ҳодисалар деганда турли кишилар гуруҳида шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир жараёнлари; миллий этнопсихология ҳамда синфлар психологияси муоммолари; миллий маданият, урф-одатлар, анъаналар, удумлар, ақидаларнинг шахс шаклланишидаги роли; оломон психологиясига оид психологик қонуниятлар; турли гуруҳларда одамларнинг бир-бирини идрок қилишлари ва тушунтиришлари, ўзаро таъсир масалалари тушунилади. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш масалага бир ёқлама ёндашиш билан баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга.

Тўртинчидан, оила ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Бу ерда оилага ҳос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади.


Ажратилган вазифалардан яна бири шуки, ҳозирги даврда ижтимоий психология навбат билан бевосита алоқадор бўлган бошқа психология тармоқлари билан ҳамкорликда кескин ўзгаришлар даврида ҳар бир инсон онгида нима содир бўлади, у бу ўзгаришларни қандай идрок қилмоқда, унинг ҳаётини мавқеини қандай қилиб мақсадга

мувофиқ тарзда фаоллаштириш мумкин, деган саволларга илмий асосланган жавоб топиб беришдир. Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ҳам шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларни тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан тадбиқий соҳалардир. Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муоммаларни ўз ичига олган масалалардан бири - бу муомаладир. Психолог олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомиладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомила турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим тадбиқий йўналишларидандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ҳозирги ижтимоий психологиядаги муҳим муаммолардандир.

**Ҳар бир фанда бўлгани сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари маажуд. Тўғри, уларнинг аксарияти психология ва социология фанларида қўлланиладиган усулларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда уларни ишлатиш йўллари ва маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда фарқлар мавжуд.**

Масалан, умумий психологияда бўлгани каби ижтимоий психологияда ҳам кузатиш методи қўлланилади, лекин кузатув объектги конкрет шахсдаги психик фаолият эмас, балки шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида бевосита кузатиш мумкин бўлган ижтимоий ҳулқидир. Яъни, кузатувчи аниқ олдиндан белгиланган режа асосида ўзи ўрганаётган гуруҳнинг фаолиятини, вербал ёки новербал ҳатти-ҳаракатларини маълум вақт бирлигида муттасил кузатиб, олинган маълумотларни қайд этиб боради, бунда замонавий аудио- ва

видеотехникадан фойдаланиш, у ёки бу ҳаракатларни қайта-қайта куриш орқали керакли хулосаларни чиқариш мумкин. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг асосан уч шакли мавжуд:



а) “қўшилиб кузатиш” - бунда тадқиқотчи кузатилувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, зарур ҳолатларда биргаликда фаолият юритади. Бу усулда энг муҳим хусусият унинг табиийлиги бўлиб, кузатиш объектлари ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар ва кузатувчи гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиладилар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин;

б) “ташки кузатиш” - кузатилувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-атворини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши билан бошқа методлардан фарқ қилади, баъзида қисқа муддат ичида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган предмет хусусида ҳеч нарса, қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хулоса чиқаришга мажбур булиши

мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади;

в) “муҳим воқеаларни қайд этиш” усулида кузатишнинг моҳияти шундаки, алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган, тасодифий вазиятга солинади ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади. Масалан, гуруҳни атайлаб олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга солиш ва унда ҳар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга ёрқин мисолдир.

*Ҳужжатларни тақдим қилиш* усули социологиядан кириб келгандир. Бу ижтимоий фаолиятнинг маҳсулини ўрганишга қаратилган бўлиб, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математика ва статистика услублари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги сабабли маълум афзалликларга эга. Бу усулнинг яна бир номи *контент-таҳлил* бўлиб, таҳлил қилинадиган ҳужжатлар тоифасига асосан оғзаки (сўзланган нутқ матнлари, суҳбатларнинг ёзиб олинган қисмлари, бевосита мулоқот жараёнида қайд этилган манбалар) ёки ёзма (расмий ) плакатлар, газета-журналлардаги мақолалар, хатлар, маънавий-маърифий адабиётлар матнлари ва шунга ўхшаш) ҳолда тавсия этилган маълумотлар киради.

Контент-таҳлилни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо - бу текширув фикрларни бўлиши, категорияларни аниқлашдир. Қўплаб тадқиқотчилар фикрларини умумлашгирган ҳолда таҳлил қилиш учун унинг бирликлари қуйидагилар бўлиши мумкин, деб ҳисобланади:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик, ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо);

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси,

инсонлардаги миллий кадриятлар, ёшлар маънавияти мавзуси ва хоказо);

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари;

г) ижтимоий ҳодиса, расм ёки ҳужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституциясининг муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш),

Яхши ўтказилган контент таҳлил - аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Тўпланган миқдорий маълумотлар математик статистика методлари ёрдамида қайта ишловдан ўтказилмоғи лозим. Контент - таҳлил тадқиқотчидан каттагина ўқувни талаб қилади.

Сўров методлари. Сўров методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью шулар жумласидандир, Бу методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, биринчидан, доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд, иккинчидан, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди, Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қилиш ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар яшайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда суров методлари энг қўлланадиган усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

*Интервью* ўтказиш учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларининг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда “ролли уйинлар” методи ёрдамида психолог ёки социолог махсус тайёргарлик курсидан ўтади.

*Анкета* методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаш, уларни тўғри шарҳлаш нақадар қийин экан-лигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра анкета очик ва ёпиқ турларга бўлинади. Очик анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволлари эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб беради. Очик саволларнинг камчилиги - респондентларнинг ҳар доим ҳам, кўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамасликлари ҳамда берилган жавобларни статистик жиҳатдан ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширувчи томонидан ўз фикрига эргашишга ўхшаш ҳолатнинг мавжудлиги ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб билмасликдадир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки “таваккал” қилиб бир вариантни белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари кўшимча тарзда фикр билдириш учун қўшимча қаторлар берилади.

*Тестлар* психологиянинг махсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодисани муддат ичида бирор тестни қўллаш орқали текширилади. Тестлар асримизнинг бошида кашф қилинган бўлиб, улар 20-30-йилларда ҳаётга, амалиётга шунчалик шиддат билан кириб келдики, натижада махсус соҳа - психометрика юзага келди. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони шундаки, бир тест ёрдамида маълум бир объектнинг-бир объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тестни фақат қандай турдаги объектда синалган бўлса, шунга ўхшаш

объектлардагина қўллаш мумкин, колаверса, бунда олинган маълумотлар нисбий ҳарактерга эга бўлади. Бироқ шундай бўлишига қарамай, тестлар, айниқса ҳозирги кунларда ҳаётимизга кенг кириб келди. Шахс хусусиятларини текширувчи тестлардан ташқари, шахснинг мулоқот тизимидаги ўрнини, ундаги мулоқот малакаларининг бор-йўқлигини синовчи, шахс ақлий сифатларини текширувчи тестлар кенг қўлланилмоқда. Эътироф этиш керакки, тестни тузиш, уни объектларда синовдан ўтказиш, хаттоки, тайёр тестни мослаштириш юксак билимларни, малакани, олимлик одобини талаб қиладиган ишдир. Масалан, инглиз олими Кэттелл шахс сифатларини синовчи тестини ишлаб чиқиш учун одамдаги 4,5 мингга яқин сифатларни ўрганишдан бошлаган эди. Ана шулардан экспертлар ёрдамида 171 жуфт дихотомик сифатларни ажратди (масалан, камтар—мақтанчоқ, босиқ—тез ва шунга ўхшаш). Ниҳоят, улар ичидан энг ишончлилари танлаб олиндики, охир-оқибат 21 хил шахс хусусиятларидан иборат сифатлар комплекси танланди ва шулар асосида машҳур Кэттелл тести пайдо бўлди. Унинг ёрдамида асосан шахсдаги интроверсия, экстровеерсия, фаоллик, реаллилик, зийраклик даражаси ва бошқалар синаладиган бўлди.

Тестлар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тестнинг ўз “калити” бўлади ва бу калитнинг эгасида махсус лицензиялар, яъни келишувга кўра ишончли шахслар-гагина сотиш, бериш ҳуқуқи бўлади. “Калитсиз” эса махсус тестларни ҳеч ким ишлата олмайди.

*Ижтимоий психологик эксперимент..* Ижтимоий психологик эксперимент-бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга қаратилган мулоқотдир. Барча мулоқотнинг бўлиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар туплайди. Умумий психологияда бўлгани каби, ижтимоий психологияда ҳам табиий ва лаборатория эксперименти



турлари фарқланади. Табиий экспериментга мисол қилиб, рус педагоги А. Макаренконинг жамоанинг шаклланиши ва уни уюштириш борасида олиб борган тадқиқотларини олиш мумкин. Америкалик психолог М. Шериф эса гуруҳлараро муносабатларга тааллуқли феноменларни табиий шароитларда махсус режа асосида текшириб ўрганган. Унинг асосий мақсади вақтинчалик тузилган жамоа - ёзги таътил лагерларида турли зиддиятларнинг пайдо бўлишидаги психологик сабабларни ўрганишдан иборат эди.

Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, махсус хоналарда, керакли асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими Бехтерев ўтказган эди. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини яқка холда ва гуруҳ шароитида солиштириб ўрганди ҳамда гуруҳнинг борлиги ҳар бир гуруҳ аъзоси психик жараёнларига бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Лаборатория эксперименти кейинчалик Б.Г. Ананьев, Е.С. Кузьмин, В.С. Мерлин, В.Н. Мясишев, Л.И. Уманский ва бошқалар томонидан янада такомиллаштирилди ва ижтимоий психологияда аппаратура услуби кенг қўлланила бошлади. Масалан, Ф.Д. Горбов ва М.А. Новиковлар томонидан гомеостат, Л.И. Уманский томонидан яратилган гуруҳ учун интеграторлар пайдо бўлди ва амалиётда бир гуруҳ ҳодисаларни текширишда кенг ишлатила бошлади. Масалан, гуруҳий гомеостат гуруҳи ташкил этувчилар ўртасида ҳаракатлардаги мосликнинг бор-йўқлигини текширади. Бу мосламанинг моҳияти шуки, гуруҳ аъзолари юмалоқ стол атрофида ўтирадилар, ҳар бир қатнашувчи рўпарасида табло ўзи хоҳлаган томонга буриши мумкин бўлган стрелка бўлиб, текширувчи ҳар бирининг ҳаракатини кузатиб туради. Лекин уларга топшириқ қуйидагича берилади: “Сиз стрелкани шундай бурунги, сизнинг ҳаракатингиз бошқаларникига мос бўлсин, акс

холда, сизнинг бепарволигингиз туфайли бутун гуруҳ жазо олади”. Агар гуруҳда ҳамжиҳатлик бир-бирини тушуниш бўлса, улар тезда ўзаро келишиб олиб, хатоларни минимал қиладиган бўлиб қоладилар, шу жиҳатдан турли гуруҳлар турлича хулқ-атвор намоён қилиши, бунда гуруҳнинг мулоқот тажрибаси, гуруҳ пешқадамнинг қобилиятлари етакчи роль ўйнаши экспериментал тарзда исботланади.

Бундан ташқари, махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гуруҳ аъзоларидаги ишонувчанлик—конформизм ҳодисаларини ҳам экспериментал тарзда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги умумий ишонувчанликни, гуруҳ тазйиқини ўрганиш учун эса ауокинетик эффект берувчи мосламалардан фойдаланилади. Бунда ёниб турган нуқта қоронғида аввал алоҳида тарзда гуруҳ аъзоларига кўрсатилади, кейин эса гуруҳ шароитида, махсус тайёрлаб қўйилган одамлар орқали кишилар фикрининг қанчалик ўзгариши текширилади.

*Проектив методлар.* Бу усуллар тест усулларининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугатилмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар, ёғочлар берилиши мумкин, уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳо бериши мумкин.

Проектив усулларга машҳур “Роршахнинг сиёҳ доғлари” тестини киритиш мумкин (1921 и.). Бу доғлар икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил бўёкли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир “доғ” нинг н и м а н и эслатаётганлигини айтиш сўралади. Унинг оғзидан чиққан сўзлар, ассоциацияларга қараб (уларни контент-анализ қилиб) шахс хусусиятлари ҳақида хулоса қилинади.

Яна бир проектив усул—бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулидир. Бунда ҳаётда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширувчи текширилувчидан тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга берилиши мумкин бўлган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, агрессия-жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

“Тугатилмаган ҳикоялар” ҳам гуруҳдаги ва якка шахсларнинг қарашлари, улардаги психологик йўналишларни ўрганишда анча қўл келадиган усулдир. Уларда шахснинг ўзига, атрофдагиларга, жамоага муносабатлари аниқланади. “Менинг ҳаётим интилишларим...”, “Менинг кайфиятимни бузилишига сабаб, одатда...” ва шунга ўхшаш ибораларнинг давоми ёзилиб, тугатилиши таклиф этилади.

Шундай қилиб, ижтимоий психология ҳозирги кунда жуда кўп методларга эга, биз танишиб чиққан методлар уларнинг асосийлари, бир қисми, ҳолос. Ҳар бир тадқиқотчи ўз тадқиқот объектининг хусусиятлари, тадқиқот мақсади ва мавзусига қараб керакли услубни танлайди. Бунда методлар тўплами билан тўлалигича танишиш учун махсус адабиётлар билан ҳам танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир

## **1.2.Тадбиқий ижтимоий психология фанининг предмети ва асосий йўналишлари.**

Кейинги йилларда ўқитувчиларни психологик билимлар билан қуроллантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда келажак авлоднинг етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашда ўқитувчиларнинг ўрни бениҳоя ошган. Шунинг учун булажак ўқитувчидан олий ўқув ютида ўз мутахассисликларини чуқур

эгаллашдан ташкари ўқувчилар психикасидаги ёш ва индивидуал хусусиятларни фарқлай олишга, бола тараққиёти жараёнини кузатишдан тўғри психологик-педагогик хулосалар чиқара билишга ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки бу – таълим ва тарбия сирларини мукаммал эгаллайдиган ўқитувчилар тайёрлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Агар педагог инсонни ҳар томонлама етук қилиб тарбияламоқчи бўлса, яъни қомил инсонни вояга етказиш учун уни, ҳар томонлама урганиши керак. Психологиянинг назарий муаммоларини чуқур урганмай туриб, мазкур фандан ҳеч бўлмаганда содда ва бажарилиши осон бўлган амалий машғулотлар ўтказиш қуликма ва малакаларини эгалламай туриб, ўқувчиларнинг психик хусусиятларини билишга эришиб

бўлмайди,

албатта.

Кухна ва ҳамиша навқирон мамлакатимиз учун ижтимоий тараққиёт психологик нуқтаи назардан идрок қилинса, мантикий таҳлил этилса, халқимизнинг этнопсихологик билимлардан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланганлиги, ҳарбий юришларда жангчиларга психологик таъсир ўтказганлиги, уларда ишонч ва эътиқод ҳисси уйғотганлиги, муомаланинг вербал ва новербал қуранишларини амалиётда қулланганлиги, Урта асрларнинг Форобий, Беруний, Хоразмий сингари забардақ олимларининг ижодий маҳсулларидан тортиб то XX асрнинг 30-йиллари оралигида илмий тадқиқотлар қилинганлиги бунга исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Ўзбекистонда олий мактабларда психология ўқув фани сифатида 1928 йилдан ўқитиб келинмоқда. (Худди шу даврда Л.С.Виготский Урта Осиёда, Ўзбекистонда оммавий маърузалар ўқиганлиги мазкур жааённи тезлаштирган асосий омил бўлганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ»). Психология фанининг ижтимоий ҳаётда нуфўзи ҳар сония сайин ортиб бормоқда. Шу туфайли педагогика институтлари ва билим юр்தларида уни ўқитиш юлга қуйила бошланди. Мазкур соҳа буйича юкори

малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Урта Осиё Давлат Университетида 1938 йилда (Ҳозир Миллий Университет) логика ва психология булими очилди. 50-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб педагогика институтларида ва билим юртларида психология булимлари очилди. Айниқса қисқа муддатли 15 ва 9 ойлик оммавий психологлар тайёрлаш курсларининг оммавийлашуви психолог-мутахассисларга эҳтиёжнинг кучайганлигини билдиради.

Ҳозирги даврда республикамизнинг барча олий мактаблари ва ўқув юртларида, хаттоки мактабларида психологик билимлар алоҳида эътибор билан ўқитилмоқда. Мамлакатимизда олий таълим куп бошқичли тизимга (бакалавриат, магистратура, аспирантура, докторантура) ўтиш муносабати билан психология фанини ўқитишнинг ўзига хос ташкил этишни тақозо этмоқда, демак, талабаларга бу соҳа бўйича билим бериш уларда касбий куникма ва малакаларни шакллантиришни тақомиллаштириш учун куйидаги йирик юналишларда ижодий психологик-педагогик изланишларни амалга ошириш лозим.

1. Психология фанининг методологик муаммолари ва уларнинг талқини.
2. Психологиянинг назарий материаллари ва уларнинг таҳлили.
3. Психология ўқитишда этнопсихологик механизмлардан фойдаланиш.
4. Унинг оммавий талқини, тадбикий жабхаларини мукамаллаштириш:
  - а) амалиёт, практикум, лаборатория машгулотлари сифат даражасини кутариш.
  - б) диагнозик, прогнозик методикалар хамда тецлардан фойдаланиш.
  - в) индивидуал ва ижтимоий тренинглари оммавийлаштириш.
5. Ўқитишнинг махсулдор, фаол ва инноватсион методларини таълим тизимига ёйиш.

6. Психология ўқитишда гуманизатсия – ассотсианизм, психоанализ, когнитивизм, гештальтпсихология, эмпиризм, гуманистик психология ва бошқа юналишларни илмий методологик, илмий назарий ва амалий жихатлардан нуксон кидирмасдан, балки уларнинг энг оқилона, тараккийпарвар томонларини амалиётга тадбик этиш тавсияномасини ишлаб чиқиш зарур.

Жахон психологиясида яратилган методлар, методикалар, тецлар, анкеталар, замонавий аппаратлар, лабораория машгулотлари Ўтказиш инцруктсияси, тренинг, компьютер дацурлари, практикум, психологик кабинетлардан фойдаланиш услуби ва кулланмаларни махаллий шароитга мослаштириш ва уни синаб куришни кенг юлга куйиш оркали.

Инсоннинг муайян хусусиятларини тўла очиш имкониятига эришиш. Психологиянинг предмети ва объекти мавхум шахс, ходиса, хулк-атвор, фаолият ва муаммога каратилмаслиги балки реал инсон, маълум ёш, аник жинс хусусиятлари юзасидан маълумот беришга юналтирилганлиги айни муддаодир. Ана шу жараёндагина табиатга ва жамиятга муносабат шахс билан фавкулотдаги вазият билан Ўзвий боглаб урганиш имкониятини яратади. Назарий муаммони амалий турмуш билан алокасини оқилона тушунтириш ва яккол намуна келтириш оркали уларга шарх бериш талқинини жонлантиради, талабани инсоний фазилат сифат ва хислатлардан андоза олишга етаклайди. Психология принциплари мавзуни ўқитишда ва унинг детерминаторлари онг ва фаолият бирлигида Ўзвийлик, уйгунлашув Ўзаро алока этувчанлик хусусиятлари тугрисида тараккиётнинг психологик табиати, унда объектив ва субъектив шарт-шароитлар хамда омиллар уларнинг бошқичлари усиши (биологик) ривожланиш (психик), камолот, тараккиёт юзасидан долзарб яккол муаммолар мохияти билан боглаб ахборот бериш фаннинг тадбикийлигини кучайтиришга хизмат килади. Онг ва унинг психологик тавсифи

тугрисида маълумот берилаётганда инсон онги мавжудот дейиш билан чекланмасдан, балки у онгсизлик онгоцлилик ва онглилик ҳолатларини муносабатлари, функсиялари Ўзгариши уларнинг Ўзаро Ўзлуксиз равишда урин алмаштириб туришини таъминлашни таъкидлаб утиш муаммоларидан айрим чигалликларга ёрдам беради. Замонавий кадрлар олдига қўйиладиган энг муҳим вазифалардан бири – малакали мутахассислар сифатида Ўзлигини Ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда ҳислатларини билган тарзда атрофдагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг бошқа соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишдир. Бу уринда инсон руҳияти қонуниятларини урганувчи психология фанининг урни ва роли бениҳоя каттадир. ХХИ асрда жуда қўлаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб урин олган муцакил Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Бу ислохотларнинг барчаси инсон омилини хар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг қучи, идроқи салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий барқамоллигини бевосита тараккиёт, ривожланиш ва сивилизатсия билан Ўзвий боғлади. Бунда инсон ва унинг муқаммаллиги, Ўз уцида ишлаши, Ўз муқаммаллиги хусусида қайгуриши муаммоси хар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Янги давр хар бир инсондан Ўз ички имқониятларини адекват билиш, шу билимлар захираси билан яқинларни ва ҳамқасбларни психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Буюк Сукрот Ўз даврида «Ўз-Ўзингни бил» деган шиорни уртага ташлаган эди. Янги давр бу билимлар ёнига «Ўз ёнингдагиларни ва уларнинг қилаётган ишларини ҳам бил» деган шиорни хар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Айни шу муаммони ечишда Ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг роли бениҳоят каттадир.

Шунинг учун ҳам нафакат психологиядан мутахассислар тайёрлайдиган билим даргоҳларида, балки барча билим даргоҳларида,

хаттоки янги типдаги мактаблар – лицейлар ва коллежларда ҳам психологиядан сабоқ бериш режалаштирилганлиги сабабли педагогика факултетининг «педагогика ва психология» ҳамда мактабгача тарбия мутахассислари тайёрланадиган гуруҳларда психология ўқитиш методикаси фани киритилган. Мазкур курснинг асосий мақсади булажак педагогпсихологлар учун зарурий тавсиялар – психологиядан Маърузалар амалий машгулотлар, лаборатория машгулотлари ташкил этиш методикаси – яъни уларни янги педагогик технология асосида қандай ташкил этиш қайси илгор усул ва воситалардан фойдаланилса, самарадорликка эришиш мумкинлиги талабалар билан биргаликда урганилади, талабалар билимини баҳолаш, педагогик амалиёт давомида олиб бориладиган ишлар, талабаларнинг муцакил ишларини ташкил этиш ҳақида маълумотлар берилади. Буларнинг барчаси булажак педагог-психологлар учун Ўз иш фаолиятларини ташкил этишда катта ёрдам беради, таълим жараёнини, дарсдан ташқари талабалар фаолиятини тўла ва оқилона бошқара олишларига кумаклашади. Бу вазифаларни мукамал эгаллаш айниқса булгуси педагоглар учун зарур. Чунки Ўқитувчилик касби барча касбларнинг онасидир – яъни Ўқитувчи барча касб эгаларини тарбиялайди. Ўқитувчи мактабдаги таълим – тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир. Таълим-тарбия даврий ходиса эмас, у муттасил давом этадиган узлуксиз жараёндир. Ўқитувчи ўқувчилар учун ҳамма жойда ибрат булиши зарур. У ўз фанини яхши билиши билан биргаликда ўқувчиларнинг психология ва ёш хусусиятларини, индивидуал хусусиятларини яхши билиши, тарбиянинг қулай ва самарали усулларини қўллашда психологик билимларга таяниши зарур. Бола рухиятини билмасдан туриб уларнинг калбига юл топа олмайди, болалар билан мулоқотда булиш малакасини эгаллаш, уларни фаол ва муцакил, ижодий фикрлашга ургатиш, қобилиятларини шакллантириш учун психологияни билиш талаб қилинади ва булажак педагоглар бу уринда психологиядан олган



билимлар тизимига суянадилар. Ота-оналар билан ишлашда ҳам психологик билимлар ёрдам беради. Нафакат ота-оналар, балки атрофдаги бошка кишиларга ҳам психологик билимларни тарғиб этиш зарур. Чунки кишилар ўз хаёт ва фаолиятини ўзаро мулоқотсиз ташкил этолмайдилар. Мулоқотлар давомида ҳам ҳар бир шахс ўз шеригининг (Ўқитувчи – Ўқувчининг, раҳбарҳодимнинг, мутахассис – ўз ҳамкасбларининг, эр-хотиннинг, хотин-ернинг, ака-уканинг ва х.к.) психологик ҳолатини, қизиқиш ва эҳтиёжларини, қобилият ва имкониятларини тугри баҳолай олиши, унинг урнига ўзини қуя билиши, «шериги» нинг ёш хусусиятларини ҳам ҳисобга олишини билишига психологиядан берилган билимлар ёрдам беради. Ёш мутахассис – педагог-психологларга бу борада нималарга эътибор беришлари зарурлигини мазкур курс билан танишиш даврида билиб борадилар.

Психология ўқитиш методикаси фанини урганишда маърузалар лаборатория ва амалий машғулотлар ташкил этилади. Баъзи мавзулар муцакил урганиш учун тавсия этилади – буланинг барчаси булгуси психолог – педагогларнинг ўз соҳаларини мукамал эгаллаш ва олган назарий билимларини амалиётда муваффақият билан қўллашларига ёрдам беради.

### **1.3.Тадбиқий ижтимоий психологиянинг асосий муаммолари.**

Тадбиқий ижтимоий психология ижтимоий психологиянинг ажралмас қисмидир. Ўз навбатида, у ижтимоий амалиёт ва назария сифатида икки жиҳатдан пайдо бўлади. Ниҳоят, ўқув бирликлари, фанлар ва қўлланмалар шаклида тақдим этилади.

Албатта, бу бўлиниш шартли. Бироқ, тадбиқий ижтимоий психологияни батафсил шаклда тақдим этиш имконини беради. Ижтимоий амалиёт амалий ижтимоий психологлар ёки ижтимоий ишчилар томонидан қўлланилади. Айтганча, кўпинча уларнинг

фаолияти биргаликда. Кўпинча илмий ходимлар (университет professor-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари) университетда ёки илмий-тадқиқот институтида, лабораторияда ўз вазифаларини бажариш билан бирга ижтимоий амалиёт билан ҳам шуғулланадилар.

Тадбиқий ижтимоий психологиянинг амалий жиҳати қуйидаги соҳалардан иборат:

- ижтимоий ва психологик диагностика;
- ижтимоий ва психологик маслаҳат;
- ижтимоий ва психологик таъсир ёки ижтимоий ва психологик технологияларни қўллаш, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

Амалий ижтимоий психологларнинг кундалик фаолиятида бу йўналишлар биргаликда, узвий равишда пайдо бўлади.

Ижтимоий психология томонидан тақдим етилган хизматлар рўйхати жуда хилма-хилдир.

Амалий ижтимоий психолог турли даражадаги ва турли шароитларда ижтимоий-психологик ҳодисалар билан шуғулланади:

- макро даражада (оммавий ҳаракатлар, партиялар, табақалар, ижтимоий институтлар ва муносабатлар);
- ўртача (ижтимоий ташкилотлар);
- микро даражада (кичик гуруҳлар);
- мавзунинг шахсий (ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида);
- муайян соҳаларда (давлат, иқтисодиёт, жамият);
- нормал, мураккаб, экстремал шароитларда.

Ички амалий психология ўзига хос ижтимоий-психологик тадқиқотлар, яъни жамоатчилик фикрини ўрганиш, кичик гуруҳлар, табақалашув билан бошланди. Биринчи тадбиқий ижтимоий психология аслида бир ташхис еди, деб бежиз емас. Бу Г. М. Андреева, Е. С. Кузмин, В. А. Ядов (муайян ижтимоий тадқиқотлар методологияси бўйича маърузалар / ед. - М., 1972; ижтимоий психология усуллари / ед. Е. С.

Кузмин, В. Е. Ст Семенов. - Л., 1977; В. А. Жамиятшунослик тадқиқот Ядов: методологияси, дастур, усуллари. - М., 1987).

Ушбу асарларнинг тарихий аҳамиятини қадрлаш, айти пайтда улар асосан фундаментал ижтимоий ва психологик тадқиқотлар учун эмас, балки амалий ижтимоий психологларнинг касбий фаолиятини ташкил этиш учун қўлланма бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш керак.

Тадбиқий ижтимоий психологиянинг амалий жиҳати қуйидаги соҳалардан иборат: ижтимоий ва психологик ташхис; ижтимоий ва психологик маслаҳат; ижтимоий ва психологик технологияларни қўллаш орқали ижтимоий ва психологик таъсир, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш. Амалий ижтимоий психологларнинг кундалик фаолиятида бу йўналишлар биргаликда, узвий равишда пайдо бўлади. Ижтимоий психология томонидан тақдим этилган хизматлар рўйхати жуда хилма-хилдир. Амалий ижтимоий психолог турли даражадаги ижтимоий-психологик ҳодисалар билан шуғулланади: макро даражада (оммавий ҳаракатлар, партиялар, қатламлар, ижтимоий институтлар ва муносабатлар); ўртача (ижтимоий ташкилотлар); микро даражада (кичик гуруҳлар); шахсий (субъектнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари) да; турли соҳаларда (давлат, иқтисодиёт, жамият, хусусан, оила, мактаб, куч тузилмалари); турли шароитларда — normal, мураккаб ёки экстремал. Ички амалий психология ўзига хос ижтимоий-психологик тадқиқотлар, яъни жамоатчилик фикрини ўрганиш, кичик гуруҳлар, табақалашувлардан бошланди. Биринчи тадбиқий ижтимоий психология аслида бир ташхис эди, деб бежиз эмас. Амалий ижтимоий психологлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-психологик диагностиканинг мақсади ташхис қўйиш, яъни йирик ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ва шахсларнинг турли хусусиятларини ўрганишдир. Шу билан бирга ўқув предмети ва объекти ҳамда стандарт методлари ҳақидаги тайёр билимлардан фойдаланадилар.

## НАЗОРАТ САВОЛАРИ

1. Психология фанларини ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Ўқув жараёнида билиш қонуниятларидан қандай фойдаланиш мумкин?
3. Ҳозирги олий мактаб дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

## Адабиётлар рўйхати

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.

4. Кузьмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001

5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

[www.google.com](http://www.google.com)

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www.arxiv.uz](http://www.arxiv.uz)

## 2 – МАВЗУ. Педагог фаолиятида тадбиқий ижтимоий психология ва мулоқот ”.

### *РЕЖА:*

2.1. . Тадбиқий ижтимоий психологиянинг илмий йўналишлари ва мактаблари.

2.2 Мулоқот тушунчасининг ижтимоий-психологик мазмуни.

2.3. Мулоқот воситалари. Новербал мулоқот. Вербал мулоқот. Паралингвистик мулоқот.

**Таянч иборалар:** мулоқот, коммуникация, фаолият, вербал, интеракция, ижтимоий перцепция, новербал, стереотипизация, ореол эффекти, атрибуция.

**2.1. Тадбиқий ижтимоий психологиянинг илмий йўналишлари ва мактаблари.**

Илгари ижтимоий-психологик адабиётларда асосан ташхис қўйиш, тадқиқотларни ташкил этиш масалалари акс етган бўлса, ҳозир еса вазият тубдан ўзгарди. Янада кенг, қўп томонлама ишлар еди. Бир неча мисол келтириш кифоя. Ижтимоий психологиянинг назарий ва амалий

тармоқлари ҳам жуда фаол ривожланмоқда: ижтимоий-сиёсий психология, этник психология, ташкилий психология, тасвир психологияси ва бошқалар. Тадбиқий ижтимоий психологни ўқитиш назарий жиҳатдан мумкин эмас. Шунинг учун ҳам барча ўсишда ижтимоий психология бўйича махсус соҳа устахонасини ташкил этиш муаммоси мавжуд. Дала устахонасининг мазмуни синф хоналари ва хатто лабораториялар деворларида эмас, балки психодиагностика, маслаҳат бериш ва психотехнологияларни реал ҳаёт шароитида қўллаш кўникмаларини шакллантиришга туширилади. Бу фақат ижтимоий хизматлар: оилавий хизматлар, бандлик марказлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқалар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин. Бу ерда эса нафақат ўқув амалиётини, балки куннинг биринчи ва иккинчи ярмида узлуксиз амалий машғулотлар ўтказиш масаласи турибди. Шу билан бирга амалий ижтимоий психологлар тайёрлаш учун зарур бўлган моддий-техника базаси масаласи кун тартибидан чиқарилмайди. Бу компьютер психодиагностикаси лабораторияси (психологнинг автоматлаштирилган иш жойи), лабораториялар, аппарат психодиагностикаси, видеодарслар учун дарслар, видео ускуналар билан тўлдирилган. Тадбиқий ижтимоий психология муайян назарияни ишлаб чиқмасдан туриб (ижтимоий амалиёт ёки интизом сифатида) ҳеч қандай имкониятда фаолият кўрсата олмайди. Тадбиқий ижтимоий психология методлари фундаментал психология билан бир хилдир. Реал муаммоларни ҳал қилиш учун тушунчалар, категориялар ёки тадқиқот методлари қўлланилса, уларнинг ҳар қандай фрагменти қўлланилиши мумкин. Амалий ижтимоий психология тушунчалар ва тадқиқот усуллари кундалик тартибга айланган жойдан бошланади. Академик ижтимоий психологлар методологияда ва назарияда янги нарсаларни кашф этганлар ва амалий олимлар ҳар доим кашфиётни

такрорлаб, уни оммавий технологияга айлантирганлар. Демак, ҳатто академик олим ҳам янгиликни кашф этмаса, маълумдан фойдаланса, амалий дейиш мумкин. Шунинг учун тадбиқий ижтимоий психологияни ижтимоий-психологик назария тамойиллари ва методларини реал муаммолар билан боғлаш имконияти сифатида тушуниш мумкин. Р. Angell худди шу муносабат билан шундай деди: "социология ўзи учун мақсад эмас, балки амалий социология ҳақида гапирганда, бошқа мақсадларга эришиш воситасига айланади. Чет эл адабиётида тадбиқий ижтимоий фан (ПСН) нима эканлигини аниқлашга бир неча ёндашувлар мавжуд. Ижтимоий-психологик диагностиканинг предмети ташхис, яъни ижтимоий-психологик ҳодисалар (шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар) нинг ўзига хос хусусиятларини тайёр метод ва процедуралар ёрдамида аниқлаш ҳисобланади. Шунинг ёрдамида тутиш керакки, ижтимоий-психологик ташхис стадияларига етганда, яъни бир неча босқичлар, аниқроғи, босқичлар (ахборот-таҳлилий, эмпирик, умумлаштирувчи-инновацион). Мулоқотнинг энг муҳим функцияларидан бири ҳамдард бўлишдир. У бошқа киши ҳиссиётларини тушуниши, бошқалар нуқтаи назарини маълумлаш қобилиятини шакллантириши жараёнида амалга ошади ва жамоадаги муносабатларни меъёрга келтиради. Бунда ўқувчига унинг истақларини тушуниш ва булар асосида ўқувчига таъсир этиш зарурлигини аниқлаш ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

Дасрга тайёргарлик кўриляётганда мулоқотнинг барча функцияларидан комплекс фойдаланишни режалаштириш зарур. Бунда энг муҳими ўқувчиларнинг ўз шахсини намоён қилишларини ва ўз қобилиятларини кўрсата олишларига эришиш мумкин. Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи манбалар ичида ўқитувчи муҳим ўрин тутаяди. Мулоқотнинг ижтимоий-психологик назарияси ва педагогик тажрибаларни ўрганиш педагогик таъсир этиш икки усулдан-ишонтириш ва уқтиришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Ишонтириш - ўқувчиларга хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айрим хулқ-атворларнинг нотўғрилигини тушунтириш ва исботлашдир. Ишонтириш жараёнида ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малака ҳамда ахлоқий сифатлар шакллантирилади. Булар эса, ўқувчилар ва уларнинг атрофидагилар учун меъёр (мезон) бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг ҳар қандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижада ўқувчи руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни ўқувчиларда ижобий ҳиссиётларни: хулқ-атвор, муносабатлар, хатти-ҳаракатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналган бўлади. Ўсиб бораётган ёшлар ижтимоий муҳит билан ва табиат билан ҳам ўзаро таъсирланадилар. Бу ўзаро таъсир натижасида уларда ишонч, яъни билимлар ва муносабатлар, ахлоқий меъёрлар мажмуи вужудга келади. Ишонтириш ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч ҳақиқий воқеликка мос келади ва шахснинг жамият олдидаги кадр-қимматини оширади. Ўзининг ҳақиқий ишончига содиқ бўлиши учун киши ҳатто ўлимига ҳам рози бўлади. Масалан, Ватанга содиқлик руҳида тарбияланган аскарларининг жанг майдонида кўрсатган матонатлари.

Ўқтириш - кишиларнинг мулоқот фаолияти жараёнида ўзаро таъсир этишлари воситаларидан биридир. Ўқтиришнинг ўзига хослиги, инсон руҳиятига унинг ўзига сездирмасдан таъсир этиши, шахс психикаси, таркибий тузилишига беихтиёр кириб бориш ва кундалик ҳаётдаги қилиқлар, интилишлар, мотивлар ва йўл- йўриқларда акс этишидир. Ҳар қандай педагогик таъсир этишда ўқтириш элементи мавжуд бўлади. Тўғри ташкил этилган ўқтириш ўқувчиларнинг онгли равишдаги фаоллигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Сўз ёрдамида ўқувчида тетиклик ёки кўркув, хурсандлик ёки хафалик, ўзига ишонч ва ишонмаслик, қизиқувчанлик ёки зерикиш, бошқаларга ишониш ёки улардан ҳадиксираш каби сезгиларни вужудга келтирамыз.



Ўқитувчининг ёмон кайфияти тўлқин каби бир зумга ўқувчиларни камраб олишини ҳам фақат ўқитиш билангина тушуниш мумкин. Ёки асабийлашган характерга эга бўлган гуруҳ раҳбари тез орада асабий ҳолат гуруҳда мулоқот меъёрига айланиб қолганлигидан ҳайратланади. Педагогик ўқитиш самарадорлигини оширишнинг умумий шартлари қўйидагилардан иборат: - ўқув материалнинг мазмуни; - ўқитиш амалга ошириладиган вазият; - ўқитиш натижасига ўқитувчининг ишончи;- ўқувчиларнинг ўқитувчига муносабати (ҳурмат қилиши).

## **2.2. Мулоқот тушунчасининг ижтимоий-психологик мазмуни.**

Мулоқот категорияси психология фанидаги марказий категориялардан бири бўлиб ҳисобланади (онг, ҳулқ-атвор, шахс категориялари сингари). Сўнгги 20-25 йил ичида мулоқот муаммолари психологиянинг, айниқса, ижтимоий психологиянинг энг йирик тадқиқот предметиға айланиб қолди.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлгани сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун, одатда, мулоқот тушунчаси унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади. Психология луғатида мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилади: 1)мулоқот-ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни; 2)мулоқот-белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви. Албатта, ҳар ҳеч бир таъриф универсаллик мақомиға даъво қилмайди. Чунки унда, одатда, мулоқотнинг айрим томонлари эътибордан четда қолади, иккинчи даражаға суриб қўйилади. Шундай булса-да, шартли равишда мулоқотға нисбатан умумий бўлган қўйидаги таърифни бериш мумкин: мулоқот-камида икки кишинг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашиналиди, муносабат ўрнатилади ва ривожлантирилади, тугатилади ёки коррекцияланади.

Мулоқот тушанчасини коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация-тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Хайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши-буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бекиёсдир. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда ва муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради. Мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Янги туғилган инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳеч қачон шахсга айлана олмайди, яъни у ўз психик тараққиёти бўйича биологик мавжудот даражасида қолиб кетади. Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади. Мулоқот-ижтимоий фаолликнинг онтогенезда пайдо бўладиган биринчи туридир.

Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Ўамкорликдаги фаолият режасини тузиш учун, уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боқлиқдир.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик юксак аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисоллар яққол кўрсатади.

1-мисол. 1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан, кундалик ҳаётнинг ғала-говуридан биров дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни

қуйидаги сўзлар билан эслайди: «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан, ўчоқдан ўт кетиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим».

2-мисол. Тарихда японларда «Моритао» номли инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. У шундай тизимларнинг энг оғири ва мураккаби бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у, ҳатто, ўзи билан ҳам гаплашиши мумкин бўлмаган. Синовдан ўтганлар кейичалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни ҳурсандчилик билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

### **Мулоқотнинг коммуникатив томони.**

Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Коммуникатордан чиқаётган ахборот икки хил бўлиши мумкин:

1. Ундовчи ахборот буйруқ, маслаҳат, илтимос ва ҳ. ларда намоён бўлади. Ундан кўзланган мақсад реципиентни бирор ҳаракатга стимуллаштириш. Стимуллаштириш уч хил бўлиши мумкин: а) активлаштириш (бирор ҳаракатни қилишга ундаш); б) интердикциялаш (бирор ҳаракатни қилишдан тўхтатиш); в) дестабиллаштириш (бирор ҳаракатдаги мувозанатни бузиш).

2. Таъкидловчи ахборот маълумот тарзида ифодаланади. Бу турдаги ахборот турли таълимий тизмлардан ўрин олган бўлиб, хулқ-

атворни ўзгартириш учун бевосита таъсир кўрсатмайди (лекин билвосита таъсир кўрсатиш мақсади ҳам бўлади).

Ҳар қандай ахборот алмашинуви фақат маълум белгилар тизими орқалигина амалга оширилиши мумкин. Коммуникатив жараёнда ишлатиладиган бир неча хил белгилар тизимлари мавжуд. Уларга асосланиб туриб одатда вербал ва новербал коммуникация ажратилади.

Вербал коммуникацияда белгилар тизими сифатида нутқ ишлатилади. Нутқ-коммуникациянинг энг универсал воситаси ҳисобланади. Чунки унинг ёрдамида ахборот узатилганда, ундаги мазмун энг кам даражада йўқотилади.

Америкалик журналист Г.Лассуэл беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг қуйидаги моделини таклиф этади:

- А) Ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда);
- Б) Нима (қандай ахборот узатилмоқда);
- В) Қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда);
- Г) Кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда);
- Д) Қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди).

Коммуникатив жараён аксиал (бунда ахборот айрим конкрет одамларгагина йўналтирилади) ёки ретиал (бунда ахборот бир қанча эҳтимол қилинаётган реципиентларга йўналтирилади) характерда бўлиши мумкин.

Коммуникатор реципиент уни қанчалик тушунаётганини «коммуникатив роллар» ўзгаргач билади. Чунки бунда реципиент коммуникаторга айланиб аввалги коммуникаторга қабул қилган ахборотнинг мазмунини қандай тушунганлигини билдиради.

Новербал коммуникацияда белгилар тизими сифатида қуйидаги тизимлардан фойдаланилади:

А. Оптик-кинетик тизимга имо-ишоралар(қўл моторикаси), мимика (юз моторикаси), пантомимика (бутун гавда моторикаси)

киради. Ушбу белгиларнинг мулоқатдаги аҳамияти шунчалик каттаки, уларни ўрганиш учун алоҳида соҳа – кинесика шаклланган.

Б. Паралингвистик тизим овоз вокализациясидан иборат бўлиб, унга овоз сифатлари, диапозони киради. Экстралингвистик тизимга тўхталишлар, йўталиб қўйишлар, йиқи, кулги, нутқ темпи киради.

В. Проксемик тизимга коммуникатив жараён иштирокчиларининг фазодаги жойлашуви ва коммуникация вақти киради.

Г. Визуал контактга кўзлар орқали мулоқот қилиш киради. Дастлаб мулоқотнинг бундай тури фақат интим мулоқот доирасидагина бўлиши мумкин, деб ҳисобланган. Бироқ сўнгги тадқиқотлар визуал контакт бошқа соҳаларда (тиббиёт, педагогика, бошқарув ва х.) ҳам кузатилишини исботламоқда.

Новербал коммуникация тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Улар нутқни тўлдиради, унинг ўрнини босади, коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради.

Мулоқот жараёнида коммуникация иштирокчилари ахборот алмашиш давомида бир-бирига таъсир этиб боради. Ўзаро таъсир хусусиятларини аниқлаш учун мулоқотнинг интерактив томонини ўрганиш зарур бўлади.

### **Мулоқотнинг интерактив томони.**

Мулоқотнинг интерактив томони деганда, биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади.

Коммуникация орқали одамлар биргаликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан одамлар, албатта, бир-бирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд:

1)ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан, шанбаликдаги иш);

2)умумий вазифанинг босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан, конвейердаги иш);

3)ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машқул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади:

1.Кооперацияга асосланган ўзаро таъсир-коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсад йўлида ўз кучларини бирлаштиришидан иборат. Кооперациянинг бир неча тури фарқланади: а)автоматик (инстинктив-биологик даражада мавжуд бўлади); б)анаънавий (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан, анаъна ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади); в)спонтан (дўстлик,муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади); г)директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлади); д)шатномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади). Кооперация-биргаликдаги фаолият зарурий элементидир.

2.Рақобатга асосланган ўзаро таъсир-коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирга таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да, у кооперация билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қойдалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс холда,ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин.

Биргаликдаги фаолиятнинг муваффақиятли рўй бериши кўп жиҳатдан коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирини қандай идрок этаётгани, ҳар бир иштирокчида бошқа иштирокчи ҳақида

қандай тасаввурлар шаклланаётганлигига боғлиқ. Бу эса мулоқотнинг перцептив томонини ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

### **Мулоқотнинг перцептив томони.**

Кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у мулоқотнинг перцептив томонини ташкил этади. Инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши “ижтимоий перцепция” дейилади. Дастлаб, бу атама Ж. Брунер томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини англатган. Кейичалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларни, яъни одамлар, ижтимоий гуруҳлар, қатта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин: 1)ўз гуруҳига мансуб индивидни; 2)бошқа гуруҳга мансуб индивидни; 3)ўзининг гуруҳини; 4)ўзга гуруҳни. Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин: 1)ўз индивидини; 2)ўзга гуруҳ индивидини; 3)ўзини; 4)ўзга гуруҳни.

Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизмлар ишга солинади:

1.Идентификация-инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши.

2.Эмпатия-инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг кечинмалари ва хиссиётларини тушунишга иштирилиши.

3.Рефлексия-инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини анлашга интилиши.

4.Стереотипизация-инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблонлардан фойдаланиши.

Мулоқот жараёнида инсонлар бир-бирини идрок этар экан, бунда аттракция (ингл. attract –жалб этмоқ) жараёни юз бериши, яъни идрок этилаётган одамга нисбатан “ёқтириш хисси” (привлекательность) пайдо бўлиши мумкин. Аттракция субъектнинг перцепция объектга нисбатан бўлган эмоционал муносабати сифатида шаклланади.

Ижтимоий перцепция давомида каузал атрибуция ҳодисаси кузатилади. Каузал атрибуция-ижтимоий перцепция субъектнинг бошқа инсонлар хулқ-атвори ва мотивларини талқин этишидир. Одам кузатиш орқали идрок этилаётган киши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмаслиги туфайли унинг хулқ-атворини детерминациялаётган тахминий сабабларни қидиради ва уларни аслига нотўғри бўлса ҳам, перцепция объектнинг хулқ атворига “тиркаб қўяди”. Бошқача қилиб айтганда, каузал атрибуция ҳодисалар ва инсонлар хулқ-атвори муайян сабабларни тиркаб қўйиш, сабабчи деб билиш. Г.Келли шахсий атрибуция (бундай сабаблар ҳаракат субъектига тиркаб қўйилади), объект атрибуцияси (бунда сабаблар ҳаракат йўналтирилган объектга тиркаб қўйилади), вазият трибуцияси (бунда сабаблар ҳаракат содир бўлаётган вазиятга тиркаб қўйилади) кабиларни ажратади.

Кишилар бир-бирини идрок этиш жараёнида, шунингдек, турли эффектлар юзага келиши мумкин. Улар орасида қуйидаги уч эффект анча чуқур ўрганилган:

1. Ореол эффекти (хало эффект) - одам тўғрисида ахборот етишмаганда, у ҳақидаги илк таассуротларнинг шу инсон хулқ атвори ва шахсий хусусиятларини кейинчалик идрок этиш жараёнига таъсир кўрсатиши.

2. Дастлабкилик эффекти - Идрок этилаётган одам ҳақидаги дастлабки ахборотнинг идрок жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши. Бу эффект нотаниш одам идрок этилаётганида юзага чиқади.



3. Янгилик эффекти - Идрок этилаётган одам ҳақидаги сўнги ахборотнинг идрок жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши. Бу эффект таниш одам идрок этилаётганида юзага чиқади.

### **2.3. Мулоқот воситалари. Новербал мулоқат. Вербал мулоқот. Паралингвистик мулоқот.**

Биргаликдаги фаолиятнинг муваффақиятли рўй бериши кўп жиҳатдан коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирини қандай идрок этаётганини, ҳар бир иштирокчида бошқа иштирокчи ҳақида қандай тасаввурлар шаклланаётганлигига боғлиқ. Бу эса мулоқотнинг перцептив томонини ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

Кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у мулоқотнинг перцептив томонини ташкил этади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «**ижтимоий перцепция**» дейлади. Дастлаб бу атама Дж.Брунер томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини англатган. Кейинчалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларни, яъни одамлар ижтимоий гуруҳлар, катта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- A. ўз гуруҳига муносиб индивидни;
- B. бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
- C. ўзининг гуруҳини;
- D. ўзга гуруҳни.

Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- A. ўз индивидини;
- B. ўзга гуруҳ индивидини;

С. ўзини;

Д. ўзга гуруҳни.

Рус психологи А.А.Бодалев «инсонни инсон томонидан идрок этилишига» синоним равишда «инсоннинг бошқа инсонни билиши» иборасини қўллайди. Инсон жамият аъзоси сифатида қабул қилинганлиги сабабли мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л.Рубинштейн айтганидек, «*биз инсонни ташқи хулқ-атвориغا қараб уни ўқиймиз*». Бундан, инсонни ташқи қиёфаси уни қандай шахс эканлигидан далолат беришини англашимиз мумкин.

*«Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади»*- деб ёзади Л.С.Выготский.

Инсонни инсон томонидан идрок этилишида энг камида икки киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Демакки ўзаро идрок жараёнида иккала томон бир-бирларининг эҳтиёжлари, мотивлари ва йўналишларини билишлари ва ўзларини қарама-қарши томон ўрнига қўя олишлари лозим. Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизм ишга солинади.

А. идентификация;

В. рефлексия;

С. стереотипизация.

Д. эмпатия

**Идентификация** (лотинча тенглаштириш) –у кишига тенглаштириш, бараварлаш маъносини англашиб, инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши.

**Рефлексия** (лотинча акс эттириш) – инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши. Кишини киши томонидан идрок қилинишини иккиланган ойнадаги акс эттиришга ўхшатиш мумкин. Одам бошқа кишини акс

эттирар экан, шу билан бирга ўзини ҳам акс эттиради, агар киши ўзи мулоқотга киришадиган кишилар ҳақида тўлиқ, илмий асосланган ахборотларга эга бўлса, улар билан бехато аниқликда ўзаро таъсир ўрнатиши мумкин. Бироқ субъект ҳамма вақт бундай аниқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун у бошқалар хатти-ҳаракатининг сабабларини ўйлаб чиқишга мажбур бўлади. Бошқа кишининг ҳаракатларини тушунтириш учун фаолият мотивлари, ҳис-туйғулар, интилиш ва фикрлашнинг ўйлаб чиқарилиши **каузал атрибуция** деб аталади. Ўқитувчилар томонидан бола ҳаракатларининг шундай сабабини талқин қилиниши мактабдаги педагогик муомалани қийин-лаштиради.

**Стереотипизация** – грекча ўзгаришсиз, такрорланиш деган маънони билдириб, инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблондан фойдаланиши. Стереотипизация маълум ёки тахминан маълум бўлган воқеаларни тиклаш, нисбат бериш йўли билан хулқ нормаларини таснифлаш ва уларнинг сабабларини изоҳлаш демакдир. Баъзан муомала жараёнида нотўғри стереотип вужудга келади. *Масалан*, А.А.Бодалев томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кишининг ташқи қиёфаси ва унинг характери ҳақидаги стереотип тасаввурлар оммавийлашиб кетганлиги тасдиқланди. Сўралган 72 кишининг 9 таси агар инсоннинг юз тузилиши квадрат кўринишига эга бўлганлар кучли, иродали, 17 киши пешонаси катта киши ақлли, 3 киши сочи тикка кишилар енгилмас, бўйсунмас характерга эга. 5 киши бўйи ўртачадан паст кишилар бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга, буйруқ беришга интилувчи кишилар, 5 киши чиройли кишилар ё аҳмоқ ёки ўзини яхши кўрадиган кишилар бўлади деб тасдиқлаган. Бегона кишини идрок қилишда биринчи ахборот, дастлабки тасаввур катта аҳамиятга эга. Кишилар ташқи қиёфаси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Америкалик психологлар томонидан ўтказилган тадқиқот бунга яққол мисол бўла олади. 400 та ўқитувчиларни баҳолаш учун тарқатилган ишларни улар 200 таси

ижобий, чиройли, 200 таси салбий хунук, ёқимсиз деб берганлар. Экспертлардан ташқи қиёфасини эмас, балки характерини таърифлаш сўралган эди. Афсуски баҳоларнинг субъективлиги кишининг ташқи қиёфасини баҳолаш билан боғлиқдир.

**Эмпатия** – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши. Бунда инсоннинг эмоционал муаммоларига ёндашиши тушунилади. Бу бошқа одам ҳиссиётлари ва кечинмаларига ҳамдард бўла олишдир. Бир томондан объектни тушунишда уни ўрнига ўзини қўя олиши муҳим бўлса, иккинчи томондан унинг ички ҳиссиётларини тушуниш унга ҳамдард бўла олиш ҳам муҳимдир.

Инсоннинг инсон томонидан идрок этилишида йўналтиришнинг роли каттадир. Бу айниқса инсон ҳақида, номаълум инсон ҳақида илк фикрларни олишда муҳимдир. Бу борада А.А.Бодалевнинг ўтказган тадқиқотлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Икки гуруҳ талабаларига бир инсон расми берилади. Биринчи расмда берилган инсон жиноятчи деб, иккинчи гуруҳда эса расмдаги киши йирик олим деб эълон қилиниб, уларга портретни ёзма ифодалаш вазифаси берилади. Биринчи ҳолатда қуйидаги тавсифлар берилади, яъни кўзларини ичига кириб кетгани, ички алам, қасосдан узун даҳан бошлаган иши, жумладан жиноятни яқунига етказиш кабилар эканлиги қайд этилади.

Иккинчи гуруҳда ичига кирган кўзлари фикрнинг чуқурлиги ҳақида гапириб, бунда узун даҳан қийинчиликларга бардошлилик, продалилик сифатида баҳоланган.

Келтирилган мулоҳазалардан кўринадики, инсонни инсон томонидан идрок қилинишида ташқи томондан берилаётган кўрсатма, шахснинг бу борадаги билим, кўникма ва малакалари муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотнинг қонуниятларини, малака ва қобилиятларининг шаклланишини билиш педагог учун ғоят муҳимдир. Бу тўлақонли

педагогик мулоқотни ёки муомалани йўлга қўйишни таъминлайди. Педагогик мулоқот педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари йиғиндисидир. Мулоқотнинг мазмуни ахборот алмашиш, ўқитувчи томонидан турли коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил этишдир. Педагогларнинг тарбиявий ва дидактик вазифаларни ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар жамоаси ўртасида муносабатларни таъминламай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Педагогик фаолиятдаги мулоқот

- ўқув вазифаларни бажариш воситаси
- тарбиявий жараёни таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими
- таълим-тарбия жараёни муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини ташкил қилиш усули
- ўқувчининг индивидуал хусусиятларини тарбиялаш жараёни сифатида намоён бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мулоқот нима?
2. Мулоқотнинг асосий томонлари қайсилар?
3. Инсонлараро коммуникациянинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
4. Коммуникатор узатаётган ахборотнинг қандай турлари мавжуд?
5. Коммуникатив роллар алмашинуви деганда нима тушунилади.?
6. Новербал коммуникацияда қўлланадиган белгилар тизимлари қайсилар?
7. Мулоқот жараёнида интеракциянинг қандай турлари амалга ошиши мумкин?
8. Ижтимоий перцепция жараёнида индивидлар бир-бирини тушуниш учун қандай механизмлардан фойдаланадилар?

9. Ижтимоий перцепция жараёнида аттракция ва каузал атрибуция нималарда намоён бўлади?

10. Ореол эффектининг моҳияти нимада?

11. Дастлабкилик ва янгилик эффектлари қандай намоён бўлади?

### **3 – МАВЗУ. Тадбиқий ижтимоий психология фани умумий психология фанининг тармоқлари билан боғлиқлиги**

#### ***РЕЖА:***

3.1. Умумий психология фанининг тармоқлари

3.2. Тадбиқий ижтимоий психологияда оила психологияси ва шахс психологияси,

3.3. Тадбиқий ижтимоий психологиянинг амалий психология, психодиагностика, психотерапия, психогигиена ва психокоррекция соҳалари билан боғлиқлиги

**Таянч тушунчалар:** шахс, оила, шахслараро муносабатлар, оила типи, тарбия типи, муҳаббат, ижтимоийлашув, ижтимоий установка, оила психологияси, шахс психологияси, мулоқот психологияси, амалий психология, психодиагностика, психотерапия, психогигиена ва психокоррекция.

Ҳозирги замон психология соҳалари ҳозирги кунга келиб 300 дан ортиқни ташкил қилади. Бу соҳалар ўзига хос объектга эга бўлиб, бири-биридан фарқ қилади. Шу боис фан соҳаларини ўрганиш қулай бўлиши учун тармоқларни маълум тизимга келтириш мақсадида маълум

гурухларга таснифлаш жорий қилинган. Бу борада профессор А.В.Петровский психология фан соҳаларини қуйидагича таснифлашни илгари сурди:

- Аниқ фаолият турларини ўрганувчи психология соҳалари.
- Ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи психология соҳалари.
- Шахс ва жамиятга бўлган муносабатни ўрганувчи психология соҳалари.

Аниқ фаолият турига кўра психологиянинг қуйидаги турлари мавжуд:

- меҳнат психологияси: инсон меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг психологик тамойилларини ўрганади. Меҳнат психологиясининг бир нечта бўлимлари мавжуд;

а) муҳандислик психологияси - инсон билан машина ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш масалаларини ҳал қилади ва асосан операторларнинг фаолиятини ўрганади;

б) авиация психологияси- учишга ўрганиш жараёни ва учиш мосламаларини бошқаришда инсон фаолиятининг психологик қонуниятларини ўрганади;

в) космик психология - вазнсизлик ҳолати, фазовий тасаввурлар чалкашиб кетган вақтда ва организмга жуда кўп ортиқча таъсирлар юкланган пайтда асаб ва руҳий зўр бериш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда одам фаолиятининг хусусиятларини ўрганади.

Педагогик психология-унинг предмети ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганиш, ўқувчилар тафаккурини тараққий топиши, интеллектуал фаолият малакалари ва усулларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади. Педагогик психология бўлимлари қуйидагилардир:

а) таълим психологияси;

- б) тарбия психологияси;
- в) ўқитувчи психологияси;

Тиббиёт психологияси шифокор фаолиятининг ва бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади. Уни қуйидаги тармоқлари мавжуд:

- а) нейропсихология — психик ҳодисалар билан миёдаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганади;
- б) психофармакалогия — доривор моддаларнинг шахс руҳий ҳолатига таъсирини ўрганади;
- в) психотерапия — беморни даволаш учун руҳий таъсир воситаларини ўрганади;

Юридик психология-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бўлган психологик масалаларни ўрганади. Унинг қуйидаги тармоқлари мавжуд.

- а) суд психологияси - жиноий жараён иштирокчиларининг хулқ-атворини, руҳий хусусиятларини таҳлил қилади;
- б) криминал психология - жиноятчининг хулқ-атвори, шахсининг шаклланишига доир психологик масалалар, жиноятнинг мотивлари билан шуғулланади.

Ҳарбий психология - кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқ-атвори билан боғлиқ ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатларини, психологик тарғибот методларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммоларини ўрганади.

Спорт психологияси - спортчилар шахси ва фаолияти хусусиятларини, уларнинг психологик жиҳатдан тайёрлигининг шарт-шароитлари, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади.

Савдо психологияси – асосан ривожланган мамлакатларда кенг тараққий этган бўлиб, кишилар руҳиятига тижорат таъсирини психологик шарт-шароитини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг



психологик омилларини аниқлайди. Модалар психологиясини тадқиқ қилади.

Санъат психологияси — санъат асарларининг яратилишида фаолият-нинг психологик томонларини, инсон томонидан бадиий асарларни идрок этилиши, турли ҳодисаларни пайдо бўлиши ва эстетик тарбия муаммолари, муסיқавий, бадиий, адабий қобилиятларни шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини ўрганади.

Илмий ижодиёт психологияси илмий фаолиятнинг психологик хусусиятлари, ижодиётда интуиция ва илҳомни тадқиқ қилади.

• Ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи соҳалар.

А) ёш психологияси - инсон шахсининг психологик хусусиятлари ва билиш жараёнларининг онтогенезда ривожланишини ўрганади. Ёш психологияси болалар психологияси, ўсмирлар психологияси, катталар психологияси, геронтопсихология каби тармоқларга бўлинади.

Б) патопсихология- мия фаолияти бузилишлари натижасида келиб чиқадиган турли шаклдаги рухий ривожланишдан четланишни ўрганади.

Олигофренопсихология - миянинг туғма камчиликлари туфайли пайдо бўладиган бўлимларни ўрганади.

**Сурдопсихология** – эшитиш фаолиятида жиддий нуқсонлари бўлган болаларнинг ривожланишини ўрганади.

**Тифлопсихология** – кўриш қобилияти паст ёки умуман кўрмайдиган киши фаолиятини ўрганади.

**Қиёсий психология** – ҳаётнинг филогенетик шаклларини ўрганувчи психология соҳаси бўлиб, инсон ва ҳайвонлар психологиясини солиштириш орқали ўхшашлик ва фарқ қилувчи томонларини аниқлайди.

Акмеология етуклик даражасига эришган шахс ривожланишининг юқори даражаси уларнинг қонуниятлари ва

механизмларини, айниқса ривожланишининг энг юқори чўққига эришиш хусусиятларини ўрганади.

- Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини ўрганувчи психология соҳалари.

1. Ижтимоий психология – уюшган ва уюлмаган ижтимоий гуруҳлардаги шахслараро ўзаро таъсир жараёнида пайдо бўладиган психологик ҳодисаларни ўрганади.

2. Дифференциал психология – шахс шаклланишининг индивидуал психологик йўналтирилганлиги каби хусусиятларни ўрганади.

3. Дин психологияси – инсон онгига диний қарашларнинг таъсири масалаларини ўрганади.

4. Этнопсихология – инсон психологиясининг этник хусусиятлари, миллий характер, миллий туйғу, миллий ғоя, ўз-ўзини англаш, этник стереотип, уларнинг қонуниятлари ва вужудга келиш хусусиятларини ўрганади.

5. Бошқарув психологияси – бу психология фанининг шундай соҳасики, унда инсон томонидан – бошқаришнинг психологик томонларини ўрганади.

6. Маркетинг психологияси – янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларни бошқаришни ва улар фаолиятини ташкил этишнинг психологик муаммоларини тадқиқ қилади.

Шу билан бирга психологиянинг бир қатор тадбиқий соҳалари ҳам мавжуд.

Экспериментал психология – экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида, экспериментал тадқиқотлар ўтказишда асосий роль ўйнаган.

Экстремал психология – инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятнинг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси.

Психофизиология – одамларнинг индивидуал психологик ва психофизио-логик фарқларини тадқиқ қилувчи, психология соҳаси.

Сиёсий психология – жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир кўрсатиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

Оила психологияси – оила психологиясини ўрганувчи, фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳаси.

Парапсихология – ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади.

Фан ривожланиб, тараққий этиб бориши жараёнида унинг соҳалари ҳам кенгайиб бормоқда.

### **3.2. Тадбиқий ижтимоий психологияда оила психологияси ва шахс психологияси.**

Шарқ маданияти ва маънавияти шу қадар ноёб, бетакрор ва жозибали бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек оиласининг бетакрор муҳити, ундаги анъаналар, расм-русмлар ва қадриятларнинг барҳаётлигидадир. Зеро ҳар қандай оила инсон тақдири ва камолотини, келажagini белгилаб берувчи омил эканлиги билан характерли ҳисобланади. Айниқса, ундаги анъаналар, миллий қадриятлар маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни, яъни соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишда уларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Демак, оила-ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни

сақлайдиган, шу билан бирга келажак насл қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган катта тарбия ўчоғидир.

Оила фаровонлиги-миллий фаровонликнинг асосидир. Оилада энг аввало: ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат ,ор-номус, шарму-ҳаё, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар шаклланади. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса , маҳаллада тинчлик ва осойишталик ҳукм суради.

Оила ва бола тарбияси муаммоси ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган. Оила муҳити қанчалик ахлоқ-одобнинг маданият қоидалари ва миллий қадриятлари асосида ташкил топган бўлса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, шахс шунчалик баркамол, комил инсон бўлиб етишади.

Ўзбек оиласидаги анъанавий таълим-тарбия намуналарини фарзандларимизга амалий тарзда ўргатиб, оилавий муносабатлар маданиятини юксалтиришга даъват этиб шу орқали ота-она ва болалар ўртасидаги муносабаларни оқилона ташкил этишга ёрдамлашиш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ёш авлодга маънавий, ахлоқий тарбия беришнинг йўллари ва воситалари хилма-хил бўлиб, булар ичида ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида тарбиялаш алоҳида ўрин тутади.

Ҳақиқатдан ҳам яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг ижодчиси бўлиши билан бирга асрлар давомида яратилган бу маънавий бойликлар яна халқ манфаатига хизмат қилади. Миллий анъаналар халқимизнинг ана шундай маънавий бойликларидан биридир.

Маълумки, анъаналар муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг одатлари, юриш-ўтириш қоидалари, ахлоқ нормалари бўлиб, асрлар давомида яшаб келсада, авлоддан-авлодга ўтар экан, мазмуни янада бойийди ва инсоният донишмандлигининг ифодаси

сифатида халқ педагогикасига айланади. Бу донишмандлик одамларнинг турмуши, хис-туйғуларига сингиб, уларнинг шунчаки карашлари ва идеалларигина эмас, шу билан бирга, ижтимоий онг формаси ҳам бўлиб қолади. Уларда одамларнинг дилидаги, кўнглидаги, психологиясидаги энг эзгу орзу истаклари ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқи, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар каби ёшларга ахлоқ тарбиясини беришда ўзининг азалий анъаналарига эга бўлган. Бизнинг ҳозирги кундаги вазифамиз эса, ўтмишда авлодлар томонидан яратилган энг яхши анъаналарни ўрганиш ва ҳаётимиз талабларига мос ҳолда ривожлантиришдир.

Қадимий, тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди материаллари, шарқ классикларининг таълим-тарбияга оид асарларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек халқи қадим замонлардан бошлаб фарзандни тарбиялаш соҳасида ўзига хос анъаналарга эга бўлган. Ота-оналарнинг болаларни севиши, ўз навбатида фарзандларнинг ота-онани астойдил ҳурмат қилиши оила тарбиясининг кўрки бўлиб ҳисобланган.

Шарқ мамлакатларида айниқса, ота-оналарнинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясининг энг муҳим усулларида бири ҳисобланган. Шунга кўра, ўғил болалар юриш-туриши, ўзаро муомаласи, ерга ишлаши ва касб эгаллашда отасига ўхшашликка ҳаракат қилган. Ота касбини эгаллаш яхши тарбиянинг натижаси ҳисобланган. Қизлар эса уйни саранжом-саришта тутиш, турли таомлар тайёрлаш, тўқиш ва тикиш, меҳмон кутиш каби ишларда онасига ўхшашга ҳаракат қилганлар.

Анъанага кўра, фарзандларнинг юриш-туриши ва ўзаро муносабат қоидалари, ёшларнинг ота-она ва катталар олдидаги бурчи, меҳнати, касб-кори ва уларнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақидаги дастлабки тушунча ва тасаввурларни оилада олганлар.

Агар ўғил болаларга оила ташвиши билан яшаш, унинг шон-шуҳрати учун курашиши ,ёшлиқдан бирор касбнинг бошини тутиш, ҳар қандай меҳнатга тайёр туриш каби сифатлар синдирилса,қизларга эса катталарни ҳурмат қилиш,ота-оналарнинг сўзига қулоқ солиш ҳар доим назокатли ва ширин сўз бўлиш, ота-ёки бошқа катта кишилар уйга кириб келишганида ўрнидан туриб қарши олиш каби одоб ва маънавий ҳаёт қоидалари оилада ўргатилар эди.

Ҳаёт тажрибасини кўрсатишча, жамиятнинг равнақи, гуллаб-яшнаши, фаровон ҳаётнинг асосий мезони ахлоқ-одоб бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ота-боболаримиз оилага, оилада бола тарбиясига, уларнинг маънавий камолига, ахлоқига катта эътибор бериб келганлар.

Демак, жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оила бўлишидан манфаатдордир. Шундай экан, катталарнинг фарзанд тарбияси юзасидан масъулиятини, салоҳиятини кучайтириш, уларнинг педагогик лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш давр талабидир.

Шахс тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Меҳнат қила олиш кўникмасининг мавжудлиги, инсонлар билан биргаликда фаолият муносабатни амалга ошираётган киши аста – секин шахсга айланиб боради. Бевосита моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш жараёнининг субъектга айланмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади, яъни шахс, индивид, индивидуаллик тушунчасининг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари мавжудми? Бунинг учун мазкур тушунчаларнинг мазмунини таҳлил қилиш самарали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дастлаб индивид тушунчасининг мазмунига тўхталиш лозим. А.В.Петровский таҳрири остида чиққан “Умумий психология” дарслигида “Индивид” тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, ақли

заиф овсарни ҳам, ёввойлик босқичидаги қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш лозим. Индивид тушунчаси профессор Э.Ғозиевнинг “Умумий психология” дарслигида тавсифланишича, индивид лотинча ажралмас, алоҳида зот маъноларини англатиб, инсон зотига хослик масаласини белгилаб беради. Шунингдек, катта ёшдаги руҳий соғлом одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади.

М.Г.Давлетшин таҳрири остида чиққан “Психологиядан қисқача изоҳли луғатда” индивид бўлинмас, айрим жинс, шахс маъноларини англатиб, биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот сифатида кўрсатиб ўтилади.

Келтирилган таърифлардан шуни хулоса қилиш мумкинки **шахс** деб муайян жамиятда яшовчи фаолиятнинг бирор тури билан шуғулланувчи, кишилар билан нормал тил орқали муносабатга киришувчи онгли индивидга айтилади.

**Индивид** сифатида дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши унда тик юриш учун имкониятининг мавжудлигини тақозо этса, миясининг тузилиши ақл-хушининг ривожланиши учун имконият туғдиради, қўлларининг шакли шамоийли меҳнат курулларидан фойдаланиш истиқболларининг мавжуд-лигини кўрсатади. Юқорида айтилганларнинг барчасида чақалоқнинг инсон зотига мансублигини таъкидланади ва бу факт индивид тушунчасида қайд этилади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири – бу унинг индивидуаллигидир. **Индивидуаллик** деганда инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетақроп бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан

фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолият мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Индивидуаллик индивиднинг бошқалардан фарқлайдиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги ҳамда унинг қайтарилмаслигидир. Зикр этилган психологик хусусиятларнинг бир хилдаги бирикмасини ўзида мужассамлаштирган одам йўқ, инсон шахси ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир.

Ҳозирги кунда асосий муаммолардан бири бир шахснинг бошқа одамлардан ажратиб турадиган индивидуал тузилишга эга эканлигидир. Ушбу психологик муаммони ҳал қилиш шахснинг мазкур тузилишининг ички шароитларида ифодаланувчи хулқ-атвори олдиндан башорат қилиш имконини яратади.

Шахс тузилиши билан боғлиқ бўлган иккинчи масала эса бундай тузилишнинг бир неча таркибий қисмларга ажратишни тақозо этади бинобарин, ушбу бўлақларнинг йиғиндиси яхлит инсон шахсини вужудга келтиради. Жаҳон психология фанида психологлар шахснинг психологик тузилишининг таркибий қисмларини турли жиҳатларига асосланиб, туркумларга ажратишни тавсия этмоқдалар.

Ҳозирги замон жаҳон психологиясида биологик (табiiй) ва ижтимоий омилларнинг воқеликка таъсири остида шаклланган инсон шахсида иккита муҳим қисм бўлганлигини тасдиқловчи назария юксак мавқени эгаллаб турибди. Мазкур назарияга биноан “ички психик” (“эндопсихик” – юнонча эндо ички деган маънони билдиради) деган ғояни илгари сурдилар. Унинг талқинига кўра, “эндопсихика” шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик элементлар ва функцияларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради. Унинг негизида инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан



“Эндопсихика” айнан бир нарса деган тушунча тасдиқланади, чунки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради. Психик тузилишнинг “эндопсихик” қисми бўлса, шахсинг ташқи муҳитга нисбатан муносабатини, шахсга карама-қарши бўлган барча жихатларни, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. “Эндопсихика” ўз навбатида шахсинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини иродавий зўр бериш хислатларини ихтиёрсиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларни акс эттиради. “Экзопсихика” эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслағи устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларни, тажрибаларни қамраб олади. Табиий асосга эга бўлган “эндопсихика” биологик шарт-шароитларга боғлиқ бўлса, “экзопсихика” аксинча ижтимоий воқеликлар таъсир остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боради.

### **3.3. Тадбиқий ижтимоий психологиянинг амалий психология, психодиагностика, психотерапия, психогигиена ва психокоррекция соҳалари билан боғлиқлиги**

Психологик хизмат АҲШ да 1800 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. АҲШ нинг биринчи амалиётчи психологлари ‘з-‘зини тарбиялаш муаммосини ‘рганган экспериментал психологлар эдилар. Америка мактабларида алий тарағиёт коэффицентини анилаш кенг тарғалиб, кейинчалик «Гайденс» хизматининг ривожланишига олиб келди.

Француз мактаб психологиясининг отаси Альфред Бине бўлиб, у бу соҳада 1894 йилдан бошлаб иш бошлаган. 1905 йилда Франция таълим вазирлиги Бинегга умумий дастур бўйича ‘ий олмайдиган болаларни текшириш муаммоси билан мурожаат илади ва шу тариқа алий

тараїїётда оріада іолган болаларни ажратадиган Бине-Симон тести яратилди.

1990 йилда Францияда мактаб психологик хизмати ташкил этилади. 1970 йилда Францияда психологик-педагогик ёрдам гуруцлари психологик хизматнинг асосий турини ташкил этади. Бундай гуруцлар мактаб психологияси б'йича бир мутахассис, таълим психологияси б'йича бир мутахассис, психомотор ривожланиш б'йича бир мутахассисни 'з ичига олади. Бундай бригада 800-1000 'увчига хизмат іилади, бир мактабда жойлашиб, бир неча мактабда хизмат іилиши мумкин.

1985 йилда Франция педагогик психологлариинг функциялари аниілаб берилди. Педагогик психолог шахснинг мар тамонлама ривожланиши учун і'лидан келган барча ишларни іилиши керак, бунда у бу ишларга 'итувчиларни ва ота-оналарни дам жалб этиши мумкин. Педагогик психолог 'з ишида лозим топса, мактаб ва оила тарбиясига іарши чіиши мумкин, деб махсус таъкидланган. К'пчилик Шарійй Европа мамлакатларида мактаб психологик хизмати туман ёки вилоят психологик-педагогик марказлари шаклида ташкил этилган. Масалан, 1980 йилда Чехославакияда тарбия масалалари б'йича модда мактаб т'2рисидаги іонунга киритилди. Психологик хизматнинг асосий мазмуни - со<sup>2</sup>лом шахснинг 'сишини таъминлаш, шахс ривожланишидаги турли іийинчиликларни коррекция іилиш, касб танлаш муаммоларидир. Чехославакиядаги психолог маслаатчининг асосий функцияси психодиагностик фаолиятдан иборатдир.

Собиі совет психологиясида болалар тарбияси ва таълимида психологиядан фойдаланиш борасида уринишлар педология доирасида вужудга келди. Педология ривожланаётган ва 'саётган шахснинг барча биологик ва ижтимоий хусусиятларини іамраб олувчи фандир. 1936

йилда педологик іарашларини т'хтатиш маида іарор іабул іилинди, шу билан бирга совет психологлари амалга ошираётган бола психологиясидаги ижобий изланишлар мам т'хтаб іолди. Фаіат 60 йилларнинг охирига келиб, психологларнинг мактаб ишида амалий иштирок этиши іайта тикланди. Эстон психологалари «тарбияси іийин» 'смирлар учун махсус мактабларда иш олиб бордилар. 1984 йилда Москвада СССР ФА психология институтида «СССР да психологик хизмат муаммолари б'йича И умумиттифоі анжумани б'либ 'тади. Анжуманда мактабда психологик хизмат секцияси мам иш олиб боради. Собий совет Иттифоіида биринчи б'либ Эстонияда 1975 йилда мактабда психологик хизмат ташкил этилди / раџбари Х.И. Х.Лийметс, Ю.Л. Сэрд б'либ, тарбияси іийин 'смирлар учун махсус мактабларда иш олиб борадилар/. Россияда 1982 йилда мактабларда психолог штати очилди. 1989 йилда Ёзбекистонда амалиётчи психологларнинг етишмаслиги сабабли Низомий номли ТДПУда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилди. Психологик хизматни 3 нуітаи назардан іараб чиіш мумкин:

Илмий ну<sup>3</sup>таи назар, ташвиіот нуітаи назар, амалий нуітаи назар.

Фаіат мана шу нуітаи назарларнинг бирлигигина психологик хизмат предметини ташкил этади.

Илмий нуітаи назар психологик хизматнинг методологик муаммоларини ишлаб чиішни назарда тутди. Бу й'налиш ижрочиларининг асосий функцияси мактаб спихологик хизматида ишнинг психодиагностик, психокоррекцион ва ривожлантирувчи методларини ишлаб чиіш ва назарий асослашга ба<sup>2</sup>ишланган илмий тадіііотларни 'тказишдан іборат.

Ташвиіот нуітаи назари малі таълими ходимларини психологик билимлардан фойдаланишни назарда тутди. Бу й'налишда асосий

маракатлантирувчи шахслар бўлиб, педагоглар, методистлар, дидактлар, майдонга чиқади.

Хизматнинг амалий натижа назарини мактаб психологлари амалга оширадilar, уларнинг вазифаси - у ёки бу аниқ вазифани қил иилиш учун ота-оналар, ўқувчилар, синф жамоаси, болалар билан иш олиб боришдан иборат.

Ўзирги босиқда психологик хизмат фаолиятининг 2 йўналиши: долзарб ва келажак йўналишлари мавжуд. Долзарб йўналиш ўқувчилар таълим тарбиясидаги ийинчиликлар, улар қўли-атворидаги, мулоқатдаги ва шахси шаклланишидаги бузилишлар билан боғлиқ муаммоларни қил иилишга қаратилган.

Келажак йўналиши қар бир бола индивидуаллигини ривожлантиришга, жамиятда яратувчанлик қўлига психологик тайёрликни шакллантиришга қаратилган. Психолог педагогик жамоа фаолиятига қар бир ўқувчи шахси гармоник ривожланиш имкониятлари қўлида асосий психологик қўли олиб қиради. Икки йўналиш қар бир-бири билан боғлиқ.

Коллежлардаги ва академик лицейлардаги психологик хизмат ўрта махсус таълимнинг зарурий таркибий қисмидир. Бу хизматнинг зарурийлиги коллеж ва академик лицей эътижларидан қилиб чиқади. Қар бир ўқувчида қўлига ижодий муносабат ва индивидуал хусусиятларнинг тарғиб қўлини таъминлаганлигини психологик хизмат тўли ташкил этилган дейиш қўли мумкин.

Психолог қўлининг инсон қўли атори ва психик фаолияти, психик тарғиб қўлининг ёш қўлини таъминлаш қўлига, уларнинг ўқувчилар ва катталар, тенгдошлари билан қўли муносабат хусусиятларига, ўқув – тарбия жараёнини ташкил этишга боғлиқлигига таяниб, болага индивидуал ёндашув имкониятларини таъминлайди, унинг юбилейларини қўлилайди, нормадан четлашишларнинг бўлиши

мумкин бўлган сабабларини психологик-педагогик коррекция иилиш йўллари аниқлайди. Бу билан психологик хизмат мактабда ўқув тарбия ишининг маъсулдорлигини оширишга, ижодий фаол шахсни шакллантиришга имкон беради.

*Психологик хизмат уч асосий бўлиндан тuzилган:*

- 1) Аниқ ўқув муаммосида ишлайдиган болалар амалий психологи,
- 2) Туман халқ таълими ўқидаги таълим маркази.
- 3) Республика касб-мунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таълим маркази.

Психологик хизмат ходимлари барча муаммоларни мал иилишда болани муар томонлама ва гармоник ривожланиш вазифаларига ва унинг иишларига таянадилар. Амалиётчи психолог ўз фаолиятини педагогик жамоа ва ота-оналар билан яин алоқада амалга оширадilar. Психологик хизмат ўз фаолиятида тиббий, дефектологик ва бошқа хизмат турлари билан, бола тарбиясида ёрдам кўрсатувчи жамоачилик ходимлари билан яин алоқада иш олиб боради. Барча мутахассислар билан муносабат тенглик асосида ва фикрларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириши асосида иурилади.

Ўрта махсус, касб-мунар тизимидаги психологик хизматнинг маади-шахсининг муар томонлама гармоник камолоти, тўлақонли психологик тараққиётни таъминловчи йулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Психологик хизматда тадқиот ва таъсир ўтказиш объекти мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, махсус ўқув юрти ва олий мактаб, коллеж талабалари, ўқувчилар, ота-оналар бўлиб мисобланади, уларни алоқада ёки гуручий шаклда тадқиқ иилиш мумкин.

Психологик хизматнинг мазмуни: а) психопрофилактика,

б) психологик маориф ва маърифат, в) психодиагностика, г) психик ривожлантириш ва психокоррекция, д) психологик консултация.

Психологик хизмат маида Низом 1996 йил Халқ таълими Вазири Ж.Г.

Йўлдошев томонидан тасдиқланган. 2001 йилда бу Низомга ўзгартириш киритилди.

Психологик хизмат методлари турли туман бўлиши мумкин:

а) ҳали таълими ва ўрта махсус касб-мунар таълими ходимлари, ўқувчилар, талабалар билан маърузалар туркуми ва тренинг машъулотлари ўтказиш ва ақолининг психологик маданиятини ўстириш маисадида, б) илмий оммабоп адабиётларни яратиш ва уларни тарғатиш, в) оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш, г) психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш, методикалар ишлаб чиқиш /тест савол варақаси, тажриба, кузатиш, суҳбат ва бошқалар/, д) психологик маслаҳат бериш, е) психологик консилиумлар ўтказиш, ж) таълим ва тарбия берувчи дастурлардан фойдаланиб психодрама, психокоррекцион тренингларни амалга ошириш, з) психологик тадқиқот объектининг психологик хусусиятларини мисобга олган ҳолда ўқув дастури, ўқув тарбия режаларини тақлил қилиш ва мақозолар.

*Психологик хизмат ҳақида Низом б бўлимдан иборат. Улар:*  
Умумий қоидалар.

**Психопрофилактик ишлар.**

**Психодиагностик ишлар**

**Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар.**

**Психологнинг маслаҳат бериш ишлари.**

**Психологик хизмат ходимларнинг масъулияти ақс этган.**

Умумий қоидалар қуйидаги бандларни ўз ичига олган.  
Психологик хизмат ҳали таълими ва олий ўрта махсус таълим тизимининг муқим таркибий қисми мисобланади. Психологик хизмат мутахассислари барча муаммоларни ҳал қилишда ҳар қайси шахснинг /педагог, ўқувчи, талаба, ота-она/ манфаати ва унинг ҳар томонлама гармоник ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Психологик хизмат мутахассислари ўз фаолиятларини тиббиёт ходимлари, дефектологик хизмат, муҳофаза қилиш ташкилотлари, муайян

комиссиялар, бало<sup>2</sup>атга етмаган <sup>1</sup>смирлар инспекцияси, ота-оналар <sup>1</sup>митаси, ишлаб чи<sup>1</sup>ариш, жамоаси, жамоатчилик билан узвий ало<sup>1</sup>ада амалга оширадilar.

Амалиётчи психологлар <sup>1</sup>итувчига берилган барча имтиёзлардан фойдаланиш му<sup>1</sup>юига эга. Уларнинг ме<sup>1</sup>нат таътили муддати барча <sup>1</sup>итувчилар билан баробардир. <sup>1</sup>итувчилар сони 500 гача бўлган мактабларда 1 штат бирлиги психолог ишлаши зарур. Касб мунар коллежларида <sup>1</sup>итувчилар сони 250 та бўлса, 1 штат бирлиги психолог ишлаши зарур. Бо<sup>2</sup>чаларда мар 2 бо<sup>2</sup>чада 1 психолог ишлаши ма<sup>1</sup>садга мувофи<sup>1</sup>.

Олий ва <sup>1</sup>рта махсус, хал<sup>1</sup> таълими тизимидаги психологларнинг фаолияти, психологик масла<sup>1</sup>ат ва муаммоланинг ижтимоий-психологик фаол усуллари, психокоррекцион, психодиагностика, ижтимоий, педагогик, болалар психологияси со<sup>1</sup>алари бўйича умум психологик тайёргарлик олган, психологик ихтисосга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

### **3.2. Оила ижтимоий-психологик тадқиқотлар объекти сифатида.**

Ижтимоий психологияда оилага хос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психологик тадқиқотлар асосан оила ва оилавий муносабатларга бағишланган. Чунончи, биринчи ижтимоий психологик тадқиқот ҳам 70- йилларнинг охири 80- йилларнинг бошида И. Ёқубов томонидан ўтказилган бўлиб, у оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ва эр-хотин ижтимоий ролларининг мувофиқлигини таъминловчи социал-психологик омилларни ўрганди.

Тадқиқот натижасида,- шу нарса аниқландики, оила аъзоларининг роллар борасидаги мувофиқ ўзаро муносабатлари оилавий ҳамжиҳатликнинг муҳим шартидир. Оилавий мажоролар эса, асосан ҳозирги замон ўзбек аёлининг ижтимоий меҳнат билан бандлиги ҳамда оилавий муносабатларда эскилик сарқитларининг сақланиб қолганлигидадир.

Ғ.Б.Шоумаров ва Е.А. Моршиналарнинг (1986) тадқиқотларида эса оилада болалар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллар ўрганилди, чунончи, унда ўзига хос миллий ва анъанавий ўзаро муносаоат хусусиятларининг ўрни белгиланди.

Оилавий муносабатлар психологияси хусусида ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири Н. Соғиновнинг ўзбек оиласига хос бўлган никоҳ ва оила муносабатлари - никоҳдан қониқиш, никоҳ мотивлари, оила қуришнинг ўзбекларга хос бўлган ёш хусусиятлари, ёш ўзбек оилаларидаги психологик можаролар ва ажралишларнинг сабабларини систематик тарзда ўрганган илмий ишидир. Бу тадқиқотда илгари ҳеч ўрганилмаган илмий маълумотлар тўпландики, уларга кўра, ўзбек оиласининг қурилишига сабаб бўладиган асосий мотив—бу “Фарзандли булиш”, (биринчи ўринда), иккинчи ўринда “Жамоатчиликнинг гап-сўзига қолмаслик”, учинчи ўринда “Ота-она ва қавми-қариндошларнинг истакларини бажо этиш” ва ҳоказолар аниқланди. Н.Соғиновнинг тўплаган маълумотлари ёш оилалар, можароли оилалар ва ёшлар тарбияси билан машғул бўлганлар учун муҳим илмий йўл-йўриқдир.

Бундан ташқари, охириги йилларда катта гуруҳлар психологиясига оид қатор тадқиқотлар ўтказилди. Масалан, В.М.Каримованинг ўзбек хотин-кизлари ижтимоий тасаввурларининг ўзгариши механизмини ўрганишга бағишланган тадқиқоти (1987), Э. Усмоновнинг ўзбек аёлларининг суицидал (яъни ўз-ўзига ўт қўйиш) хулқ-атворининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганишга бағишланган тадқиқоти



(1993), Е. Нўъмонованинг ўзбек оилаларидаги репродуктив установакаларнинг хусусиятларига бағишланган, М. Зокированинг эркак ва аёллардаги роллар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзига хослигини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқоти, М.Тошпўлатовнинг ўзбек ёшларидаги ижтимоий хулқ-атворнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўзига хос қирраларини ўрганишга қаратилган ишлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур тадқиқотларнинг кўрсатишича, бизнинг худудимизда ҳам оила-никоҳ муносабатлари йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу борадаги ўзгаришларга: 1) оиланинг жамият олдидаги функцияларининг ўзгариб бориши; 2) оила аъзолари сонининг ва туғилишнинг камайиши, мураккаб кўп оилали типдан, алоҳида мавжуд бўлган алоҳида оилалар типига айланиб бораётганлиги; 3) оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функцияларининг ўзгариб, оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги; 4) иқтисодий инқирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири; 5) аёллардаги репродуктив установакаларнинг ўзгариб бораётганлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу тадқиқотлар натижасида яқин келажакда янги этнопсихологик концепция шаклланади ва бу республикадаги илмий ишларнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Оила ва никоҳ борасида ўтказиладиган тадқиқотларда жаҳон ва ҳамдўстликдаги давлатларда ўтказилган изланишлар, улардан олинган натижалар ва методикалардан фойдаланиш мумкин. Айниқса, Санкт-Петербург, Болтиқбуйи республикаларида оила масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўплаб ўтказилган бўлиб, уларнинг тажрибасидан биз ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Чунки ўша худудларда рўй бераётган кўплаб ижтимоий жараёнлар, хусусан, оилавий муносабатлар борасидаги муаммолар бизнинг жумҳуриятимизга ҳам таал-луқли. Масалан, аёлларнинг ижтимоий меҳнатда бандлиги туфайли уларда оила, унда хотин кишининг ўрни,

роли ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришининг ўзи бутун психологияни қайта қурилишига сабаб бўлмоқда. Лекин иккинчи томондан, демократия ва эркинлик шароитида йиллар давомида тақиқланиб келган эски қадриятларимиз, биринчи вавбатда, диннинг ҳаётга кириб келиши, умуман оилавий муносабатларга шундай таъсир кўрсатмоқдаки, кўпчиликда “энди аёл киши анъанавий ўз ўрнини эгаллармикин?” деган тасаввурлар ҳам пайдо бўлмоқда. Аммо, ҳозирги ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида моддий ишлаб чиқаришни хотин-қизларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотлар одамлар онгидаги ана шундай қарама-қаршилиқларнинг психологик ечимини топган ҳолда оила ва никоҳ тизимига психологик ёрдам кўрсатиши зарур. Шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида “оила хизмати” шохобчаларини ташкил этиш зарурки, улар бир томондан, оила ва никоҳ борасидаги илмий муаммоларни тадқиқ қилиб, уларни ҳаётда қўлласа, иккинчи томондан, ёшларга, оиласиз одамларга, зиддиятли оилаларга бевосита психологик хизматлар кўрсатиши керак. Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида тадбиқий тармоқ бу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг ўлкамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик қарама-қарши келаётган шароитларда айниқса муҳимдир. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бир-бирларига эмоционал боғланишлари — дўстлик севги ҳисларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт-шароитлар яратиш бизнинг шароитларимизда янги ва келажаги порлок соҳалардандир.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар орасижа рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвишу-қувончлар алмашинувини назарда тутди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар

тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларини бир карашда тушунидиган ёки “яримта жумладан” ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг мулоқотнинг тиғизлиги тескари реакцияларни- бир-биридан чарчаш, гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Масалан, оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай тиғиз муносабатларга киради. Фақат бундай тиғизлик оиланинг барча аъзолари ўртасида бўлиши мумкин (она-бола, қйнона-келин ва ҳоказо).

Шахслараро муносабатларни ўрганиш психология фанида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки инсон шахсининг энг нуфузли ва етакчи фаолиятларидан бири бўлган мулоқот ва у орқали ўзаро муносабатлар одамлар орасида умумийлик, ўхшашлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўлишига олиб келади. Айниқса, оила муҳитида шахслараро муносабатларнинг, чунончи, ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонлари шахснинг ҳаёти, фаолиятининг самараси ва мазмунига бевосита таъсир этади.

Шарқ маданияти ва маънавияти шу қадар ноёб, бетакрор ва жозибали бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек оиласининг бетакрор муҳити, ундаги анъаналар, расм-русмлар ва қадриятларнинг барҳаётлигидадир. Зеро ҳар қандай оила инсон тақдири ва камолотини, келажакини белгилаб берувчи омил эканлиги билан характерли ҳисобланади. Айниқса, ундаги анъаналар, миллий қадриятлар маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни, яъни соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишда уларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Демак, оила-ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни

сақлайдиган, шу билан бирга келажак насл қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган катта тарбия ўчоғидир.

Оила фаровонлиги-миллий фаровонликнинг асосидир. Оилада энг аввало: ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар шаклланади. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва осойишталик ҳукм суради.

Оила ва бола тарбияси муаммоси ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган. Оила муҳити қанчалик ахлоқ-одобнинг маданият қоидалари ва миллий қадриятлари асосида ташкил топган бўлса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, шахс шунчалик баркамол, комил инсон бўлиб етишади.

Ўзбек оиласидаги анъанавий таълим-тарбия намуналарини фарзандларимизга амалий тарзда ўргатиб, оилавий муносабатлар маданиятини юксалтиришга даъват этиб шу орқали ота-она ва болалар ўртасидаги муносабаларни оқилона ташкил этишга ёрдамлашиш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ёш авлодга маънавий, ахлоқий тарбия беришнинг йўллари ва воситалари хилма-хил бўлиб, булар ичида ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида тарбиялаш алоҳида ўрин тутади.

Ҳақиқатдан ҳам, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг ижодчиси бўлиши билан бирга асрлар давомида яратилган бу маънавий бойликлар яна халқ манфаатига хизмат қилади. Миллий анъаналар халқимизнинг ана шундай маънавий бойликларидан биридир.

Маълумки, анъаналар муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг одатлари, юриш-ўтириш қоидалари, ахлоқ нормалари бўлиб, асрлар давомида яшаб келсада, авлоддан-авлодга ўтар экан, мазмуни янада бойийди ва инсоният донишмандлигининг ифодаси

сифатида халқ педагогикасига айланади. Бу донишмандлик одамларнинг турмуши, хис-туйғуларига сингиб, уларнинг шунчаки карашлари ва идеалларигина эмас, шу билан бирга, ижтимоий онг формаси ҳам бўлиб қолади. Уларда одамларнинг дилидаги, кўнглидаги, психологиясидаги энг эзгу орзу истаклари ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқи, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар каби ёшларга ахлоқ тарбиясини беришда ўзининг азалий анъаналарига эга бўлган. Бизнинг ҳозирги кундаги вазифамиз эса, ўтмишда авлодлар томонидан яратилган энг яхши анъаналарни ўрганиш ва ҳаётимиз талабларига мос ҳолда ривожлантиришдир.

Қадимий, тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди материаллари, шарқ классикларининг таълим-тарбияга оид асарларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек халқи қадим замонлардан бошлаб фарзандни тарбиялаш соҳасида ўзига хос анъаналарга эга бўлган. Ота-оналарнинг болаларни севиши, ўз навбатида фарзандларнинг ота-онани астойдил ҳурмат қилиши оила тарбиясининг кўрки бўлиб ҳисобланган.

Шарқ мамлакатларида айниқса, ота-оналарнинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясининг энг муҳим усулларида бири ҳисобланган. Шунга кўра, ўғил болалар юриш-туриши, ўзаро муомаласи, ерга ишлаши ва касб эгаллашда отасига ўхшашликка ҳаракат қилган. Ота касбини эгаллаш яхши тарбиянинг натижаси ҳисобланган. Қизлар эса уйни саранжом-саришта тутиш, турли таомлар тайёрлаш, тўқиш ва тикиш, меҳмон кутиш каби ишларда онасига ўхшашга ҳаракат қилганлар. Анъанага кўра, фарзандлар юриш-туриши ва ўзаро муносабат қоидалари, ёшларнинг ота-она ва катталар олдидаги бурчи, меҳнати, касб-кори ва уларнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақидаги дастлабки тушунча ва тасаввурларни оилада олганлар.

Агар ўғил болаларга оила ташвиши билан яшаш, унинг шон-шуҳрати учун курашиши ,ёшликдан бирор касбнинг бошини тутиш, ҳар қандай меҳнатга тайёр туриш каби сифатлар синдирилса,қизларга эса катталарни ҳурмат қилиш,ота-оналарнинг сўзига қулоқ солиш ҳар доим назокатли ва ширин сўз бўлиш, ота-ёки бошқа катта кишилар уйга кириб келишганида ўрнидан туриб қарши олиш каби одоб ва маънавий ҳаёт қоидалари оилада ўргатилар эди.

Ҳаёт тажрибасини кўрсатишича, жамиятнинг равнақи, гуллаб-яшнаши, фаровон ҳаётнинг асосий мезони ахлоқ-одоб бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ота-боболаримиз оилага, оилада бола тарбиясига, уларнинг маънавий камолига, ахлоқига катта эътибор бериб келганлар.

**Демак, жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оила бўлишидан манфаатдордир. Шундай экан, катталарнинг фарзанд тарбияси юзасидан масъулиятини, салоҳиятини кучайтириш, уларнинг педагогик лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш давр талабидир. Оиладаги носоғлом муҳит жуда кўп иллатлар қатори, одамнинг ўз саломатлиги ҳолатига бўлган муносабатини салбий томонга ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг ҳам турлича сабаблари бор. Масалан, агар оила аъзолари маълум соғлом турмуш тарзига ўрганган бўлсалар ҳам, бирор сабаб билан шу оилада низо, жанжал келиб чиқса, бу ҳолат барча оила аъзолари тафаккурининг салбий томонга ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида умуман фаолликнинг пасайишини келтириб чиқаради. Демак, ўзаро муомаладаги соғлом руҳият, самимият мавжуд ижобий одатларнинг барқарорлигини кафолатлайди.**

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Умумий психология фанининг тармоқлари нима?

2. Психологик хизмат муаммолари ҳақида тушунча беринг.
3. Оиланинг ижтимоий психологик жиҳатлари ҳақида тушунча беринг.
4. Оиладаги шахслараро муносабатлар.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

#### **4-МАВЗУ: “Тадбиқий ижтимоий психологияда шахс муаммоси”.**

##### ***РЕЖА:***

- 4.1. Инсон, индивид, шахс ва индивидуаллик
- 4.2. «Шахс» тушунчаси тарихи ва уни психологик тарзда тушуниш
- 4.2. Шахс тузилиши

**Таянч иборалар:** шахс, оила, шахслараро муносабатлар, оила типи, тарбия типи, муҳаббат, ижтимоийлашув, ижтимоий установка.

### 3.1. Инсон, индивид, шахс ва индивидуаллик

Шахс – психология фанининг асосий илмий тушунчаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шахснинг нималигини тушуниш ва унинг руҳий тузилишини таърифлаш имконини берувчи асосий хоссаларини ажратиб олиш учун ушбу тушунчани «инсон индивид шахс индивидуаллик» қаторида кўриб чиқамиз.

Инсон ўта мураккаб мавжудот сифатида чексиз мураккаб дунёда, аниқроғи, кўплаб дунёларда яшайди, уларнинг ичидан замонимизнинг машҳур файласуфларидан бири Юрген Хабермас асосийлари сифатида уч дунёни: ташқи дунё, ижтимоий дунё («бизнинг олам»), ички дунё («менинг олашим», индивидуаллик ва бетакрорлилик «менинг мавжудлигимнинг» бетакрорлиги) ажратишни таклиф этди.

Ташқи дунё – бу инсоннинг табиат қонунларини билишда ва уларни ўз мақсадларида табиатни қайта тузиш учун қўллашда эгаллайдиган табиат олами. Бу фан, техника, амалиёт оламидир. Бу барча нарса исбот талаб этувчи мақсадга мувофиқ фаолият оламидир.

Ижтимоий дунё – бу инсонни дунёга киритишнинг асосий воситаси *жисмли фаолият* бўлган олам. Инсонни атрофдаги оламга ва ўзига нисбатан муносабатларининг ранг-баранглигида тушуниш, фаоллигининг манбаларини топиш ва йўналишини англаш учун инсоннинг оламда тутган ўрнини аниқлаб олиш зарур. Инсонга шахс сифатида ёндошиш, авваламбор, инсонга жамият тузилишида тутган ўрни билан аниқланувчи жамиятнинг бирлиги сифатида қараш билан боғлиқдир. Инсонни биологик организм, тур бирлиги сифатида ҳайвондан фарқ қилувчи туб негизли белгиси жамиятга тегишлилик, ижтимоийлик ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, шахсни ўрганишда дастлабки ҳолат бўлиб унинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий муносабатлар тизимида киритилганлиги хизмат қилади .



Агар биз шахс муносабатлари ҳақида инсоннинг дунёга шахсий тегишлилиги ва бу билан боғлиқ кечинмалар маъносида сўз юритадиган бўлсак, у ҳолда инсон мавжуд бўла оладиган кейинги – бу «менинг» ички оламим дунёсига мурожаат қиламиз. Бу дунё кечинмалар, шахсий моҳиятлар, шахсий даҳлдорликни ҳис этиш, у ёки бунга шахсий тегишлилик, бошқа одамлар билан мавжудликнинг «ҳодисавийлиги» билан тўла. Бу дунёга жисмли фаолият ўз шаклини ўзгартирган ҳолда оддий ҳолатдаги фойдали фаолият, шаклини йўқотган жисмли ҳаракат бўлиб эмас, балки, «шахсий» фаолият, ижодиёт сифатида киради, ижтимоий ҳуқ-атвор эса «менинг» дунёсига шахслараро муносабат, бошқа одамларнинг ички дунёсига яқинлашиш, бошқаларга ўзини очишнинг воситаси, ўзини намоён этиш сифатида кириб келади. «Менинг» дунёсида унга хос бўлган махсус фаолият турлари: ўйин, санъат, дин, ички дунёлар яқинлашуви сифатидаги мулоқот пайдо бўлади.

«Индивид» тушунчасини турлича талқин қилиш мумкин. Авваламбор, индивид – бу ягона табиат мавжудоти сифатидаги одам, Homo sapiens турига мансуб вакил. Ушбу ҳолатда индивид биологик турнинг умумий ирсий хоссаларини ташувчи биологик организм (ҳар бир одам индивид бўлиб туғилади) сифатида тушунилади, яъни, инсоннинг биологик моҳияти таъкидланади. Лекин баъзида «индивид» тушунчаси одамни инсоний умумийликнинг алоҳида вакили, меҳнат қуролларидан фойдаланувчи ижтимоий мавжудот сифатида белгилаш учун қўлланилади.

Агар «инсон» тушунчаси ўз ичига одамларга хос бўлган барча инсоний сифатларнинг йиғиндисини, уларнинг маълум инсонда мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, жамлаган бўлса, у ҳолда «индивид» тушунчаси айнан уни характерлайди ва қўшимча сифатида шахсий хислатлар қатори психологик ва биологик хоссаларни ҳам киритади. Бундан ташқари, ушбу тушунчага маълум одамни

бошқалардан ажратиб турувчи сифатлар билан бирга, айнан шу одамга ва кўплаб бошқа одамларга тегишли бўлган умумий хоссалар ҳам киради.

Шахс тушунчасининг моҳиятли томонларини белгилаб берувчи турли хил таърифлар мавжуд. А.Н. Леонтьев таърифига кўра: «Шахс – фаолият субъекти», А.Г. Ковалевнинг – «шахс ижтимоий муносабатлар субъекти ва объекти сифатида», К.К. Афлотуновнинг – «шахс – ўз ўрнини англовчи лаёқатли жамият аъзоси», С.Л. Рубинштейннинг – «шахс – ташқи таъсирларнинг олдини олувчи ички шароитлар йиғиндиси», А.В. Петровскийнинг – «шахс – индивид томонидан жисмли фаолият ва мулоқотда орттирилган, унга ижтимоий муносабатларга киришганлик нуктаи назаридан таъриф берувчи тизимли сифат», Г. Олпортнинг – «шахс ҳаёти давомида шаклланиб боровчи ўзига хос психофизиологик тизимлар – ушбу инсонга хос бўлган тафаккур ва ҳулқ-атвори белгилаб берувчи шахс қирралари йиғиндиси» ва бошқаларнинг таърифлари шулардан иборат.

Бизлар эса Р.С. Немов томонидан шахсга берилган таърифни қўллаймиз: «Шахс – бу ижтимоий асосланган, ижтимоий табиатга эга бўлган алоқалар ва муносабатларда намоён бўладиган, барқарор, одамнинг ўзи ва атрофидагилар учун аҳамиятли бўлган ахлоқий ҳаракатларни белгилаб берувчи ўзининг психологик хусусиятлари тизимидаги инсон»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, инсон, биринчидан, тирик табиат вакили, биологик объект сифатида, иккинчидан, онгли фаолият субъекти сифатида ва, учинчидан, ижтимоий мавжудот сифатида ўрганилиши мумкин, бу уч даражанинг яхлит уюшмага бирлашиши инсоннинг йиғинди хусусиятларини – унинг индивидуаллигини шакллантиради.

---

<sup>1</sup> Немов Р.С. Психология. В 3-х кн. М., 1999. Кн.1. Б.33.

**Индивидуаллик** – бу маълум инсоннинг, унинг ноёблиги, бетакрорлиги нуқтаи назаридан ўзига хос бўлган рухий, физиологик ва ижтимоий хусусиятлар йиғиндиси.

Индивидуаллик – бу кўриб чиқилган тушунчалар ичида мазмунига кўра энг тор тушунча ҳисобланади. У ўзида инсоннинг бошқа одамлардан фарқ қилувчи ўзига хос ва шахсий хоссаларини жамлайди. Индивидуаллик турли хилдаги тажриба, билимлар, фикрлардаги тафовутлар, характер ва темпераментлардаги фарқлар, ўзимиз исботлайдиган, тасдиқлайдиган ўзига хос хусусиятларимизда намоён бўлади. Мотивлар, темперамент, характер, лаёқатлар – индивидуалликнинг асосий кўрсаткичлари. «Индивидуаллик» тушунчаси индивиднинг фақат ўзига хос рухий хусусиятларини эмас, балки морфофизиологик (бўй ўлчами, тана тузилиши, юз тузилиши ва ҳ.к.) хусусиятларини ҳам акс эттиради.

Индивидуаллик – ўз моҳиятига кўра, бошқалар томонидан кузатилиши мумкин бўлган, ташқарида жойлашган нарса. Фақат бошқалар бир одамнинг бошқасидан фарқини, яъни, унинг индивидуаллигини айтиб бериши мумкин.

Шундай қилиб, бизлар кўриб чиққан «одам, индивид, шахс ва индивидуаллик» тушунчалари ҳажмига кўра турличадир. Булар орасида кенг маъно касб этиб, бошқа тушунчаларни ҳам ўзида жо этадиган тушунча «инсон» атамасидир, энг тор атама эса – «индивидуаллик» тушунчаси.

### **3.2. «Шахс» тушунчаси тарихи ва уни психологик тарзда тушуниш**

Шахс тушунчаси «юз», «сохта қиёфа» сўзларидан келиб чиқади. Қадимги рус тилида «сохта қиёфа» сўзи «роль», яъни, одам бошқалар билан мулоқотда бўлганида кийиб оладиган бирор-бир ижтимоий ниқоб маъносини англатувчи «роль»ни билдирар эди. Лотинча *personae* сўзи ҳам шу маънони англатади. *Per sonare* – ниқоб ортидан сўзлашиш.

Қадимги юнон, кейинчалик эса қадимги рим театрларида актер сахнага у ёки бу – ёвуз, лаганбардор, пайғамбар, қаҳрамон характерлари чизилган ниқобда чиқарди. Ниқобнинг бўёқлари ижтимоий вазифани бажарувчи, у ёки бу ролни ижро этаётган инсоннинг ахлоқий белгиларига ишорат эди.

Қадимги Юнонистонда «шахс» тушунчасига мос келувчи атама ишлаб чиқилмаган эди. Ўзининг бетакрор тақдирига эга бўлган шахс ҳақида Афлотун билмас эди, билишни ҳам хоҳламасди. Унинг ўрнини руҳ эгаллаган эди. Арастунинг «Жон ҳақида» асари ҳозирги замон психологиясига йўл очиб берди.

Қадимги Рим олдинга қадам ташлади. Рим ҳуқуқ илмида юнонча бошнинг юз қисмини, ташқи кўриниш, бундан ташқари, трагедияда иштирок этувчи ижрочини белгиловчи *prosopon* ўрнига, лотинча *persona* сўзи қўлланилди, бу сўз аввалига, юнонча сўзга ўхшаб, трагедиядаги актернинг роли ва ниқобини англатар эди. Лекин кейинчалик алоҳида индивиднинг номи сифатида сақланиб қолди. Рим фуқароси ҳуқуқий ва диний зот, авлодлар исми-шарифи ва мулк эгаси сифатида таърифланади.

Шарқда умуман бошқача ҳолат эди. Индуизм ва буддизмда шахс инкор этилиб, фақатгина «ўзлик» эътирозсиз тан олинади.

К. Юнгнинг психоанализ назариясига асосан «шахс» тушунчаси одамнинг жамиятдаги ижтимоий роли билан боғлиқ. Ҳаёти жараёнида у ижтимоий талабларга мос равишда ўзини тутишни ўрганади. Ҳар бир касб учун, масалан, жамият аъзоси тақиб юрадиган маълум ниқоб хосдир. Шахс характерни ташкил этувчи бўлиб ҳисобланмайди, лекин у билан узвий боғлиқ бўлиб, ички «Мен»нинг ҳимояси сифатида фаолият юритади.

Кўпгина тилларда мавжуд бўлган «ўзликни йўқотиш» ибораси ўзининг эгаллаб турган ўрнини ва даражасини йўқотишни билдиради.

Шарқ тилларида (хитой, япон) шахс тушунчаси одамнинг юзи билан эмас, балки бутун танаси билан боғланади. Европа анъаналарида юз тана билан биргаликда ўрганилади, чунки инсон чехраси руҳининг тимсолидир, хитойликлар тафаккурида эса «ҳаётчанлик» тушунчасига индивиднинг ҳам маънавий, ҳам вужудий сифатлари киради.

Шу асосда, аввал бошидан «шахс» тушунчасига маълум ҳаётий ролларни ижро этганда ўзига хосликка эга бўладиган ташқи, юзаки ижтимоий образ – қандайдир «шахс», атрофдагиларга қаратилган ижтимоий юз ифодаси киритилган эди .

Педагогика, психология ва фалсафада шахсга ўхшаш кўплаб карама-қарши таърифлари келтирилган илмий тушунчани учратиш амри маҳол. Машҳур руҳшунос В.П. Зинченко фикрига кўра: ««Инсон» тушунчаси билан фақат «шахс» тушунчаси рақобатлашиши мумкин». Олим Д.Б. Эльконин адабиётларда шахснинг йигирмага яқин таърифини кўриб чиққандан сўнг унинг ўзи шахс эмаслигини хулоса қилди.

Инсон шахси, кенг тарқалган тасаввурларга қарши ўларок, 30-ёшга етгунича ўзгармасдан қолмайди. Мисол келтирадиган бўлсак, Калифорния Университетининг бир гуруҳ олимлари 130 мингдан ортиқ одамларнинг «Катта Бешлик» (виждонийлик, муросага келиш лаёқати, невротизм ва экстравертлик) номи билан маълум шахсий сифатларини таҳлил қилганлар. Бу сифатлар кайфиятга боғлиқ эмас, шунинг учун етарлича ишончли тарзда намоён бўлади. Одамлар ёш ўтиши билан ҳаётий ихтилофларни тезда бартараф этишга ўрганадилар, хусусан, шафқатлироқ ва меҳрибонроқ бўлишга интиладилар.

Аниқланишича, аёлларда, эркаклардан фарқли ўларок, ёш ўтиши билан невроз ҳолатлари камаяди. Икки жинс вакилларида самимийлик бир оз камаяди. Олимларнинг фикрига кўра, 20–30 ёшлиларда мураккаб вазифаларни бажаришда ва ташкилотлар тузишда кўмак берадиган виждонийликнинг кучайиши кузатилади. Муросага келишга

мойиллик, аксинча, кўпчилик ҳолатларда 30 ёшдан сўнг ёрқин намоён бўлади.

Шундай қилиб, файласуфлар, тарихчилар, педагоглар ва психологларда «шахс» тушунчасининг турлича талқинлари мавжуд. Бизлар эса, юқорида кўрсатганимиздек, Р.С. Немов томонидан берилган шахсининг, фикримизча, янада аниқ ва тўлиқ психологик таърифидан фойдаланамиз.

### ***3.3. Шахс тузилиши***

Шахс асосини унинг тузилиши ташкил этади, бу эса шахсининг яхлит ҳосила сифатида ҳар тарафлама нисбий барқарор алоқа ва ўзаро таъсирга эга бўлишидан иборат. Психологлар шахс тузилишида турли таркибий қисмларни ажратадилар. С.Л. Рубинштейн темперамент, характер, лаёқатларда; билимлар, малакалар ва кўникмаларда; йўналганликда намоён бўладиган индивидуал-типологик хусусиятларни кўрсатиб ўтади. А.Г. Ковалев йўналганлик, характер, имкониятлар ва машқлар тизимини ажратади. М.И. Еникеев темперамент, йўналганлик, лаёқатлар ва характерни санаб ўтади. Машҳур психолог К.К. Афлотунов йўналганлик таркибини, ижтимоий таъриба таркибини, психологик таркибни ва биологик асосланган таркибни ажратиб кўрсатади.

Шундай бўлсада, шахс тузилишида таркибий қисмларни ажратишдаги тафовутларга қарамай, муаллифлар ўз ёндошувларида етакчи таркибий қисм сифатида ***йўналганлик***ни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Бу тушунча турлича, масалан, «ўсиш суръати тенденцияси (С.Л. Рубинштейн), «маъно касб этувчи мотив» (А.Н. Леонтьев), «доминантлик муносабати» (В.Н. Мясищев), «асосий ҳаётий йўналганлик» (Б.Г. Ананьев), «инсон моҳиятли кучларини динамик тарзда ташкил этиш» (А.С. Прангишвили) сифатида талқин этилади.

Бизлар нима учун одам ҳаракатлари фаоллашганининг сабабини аниқлашда эҳтиёжлар моҳиятининг таҳлилини ўтказамиз, лекин бу

фаолликнинг оқибатларини билиш учун унинг йўналганлиги нима билан белгиланишини таҳлил қилишимиз лозим. **Йўналганлик** деб, шахс фаолиятини йўналтирувчи ва хусусий вазиятлардан нисбатан мустақил бўлган барқарор мотивлар йиғиндисига айтилади. Масалан, ўқувчи ҳулқ-атвори яхлитлигича кўриб чиқилганида, унинг психологияси таҳлилида **барқарор** мотивларни аниқлаш зарур. Мана шу ҳолатдагина ўсмирнинг ҳаракати тасодифийлиги ёки қонуниятга асосланганлигига баҳо бериш, унинг такрорланиш имкониятларини олдиндан кўра олиш, шахс сифатларининг баъзиларини бартараф этиш, бошқаларининг ривожланишини эса рағбатлантириш мумкин. Мотивлар у ёки бу даражада **англанган** ёки умуман **англанмаган** бўлиши мумкин. Шахс йўналганлигида асосий ўринни англанган мотивлар эгаллайди.

Шахс йўналганлиги доимо ижтимоий белгиланган бўлади ва тарбия жараёнида шаклланади. Йўналганлик – бу шахснинг хусусиятларига айланган ва ҳавас, истак, интилиш, қизиқиш, мойиллик, идеал, дунёқараш, эътиқод каби шаклларда намоён бўладиган майллар. Бу шаклларнинг асосида **фаолият мотивлари** ётади.

**Ҳавас** – бу субъектнинг ажратилмаган, англанмаган ёки етарлича англанмаган эҳтиёжларини ифодаловчи руҳий ҳолат. **Истак** фаолият мотиви сифатида эҳтиёжнинг етарлича аниқ англанганлиги билан ифодаланади. Бунда унинг объектигина эмас, балки уни қондириш йўллари ҳам англанади. **Интилиш** истак тузилишига иродавий таркибий қисм қўшилганида юзага келади. **Қизиқиш** – бу шахснинг йўналганлигини фаолият мақсадларини англаш билан таъминловчи билиш эҳтиёжи ифодаланишининг махсус шакли. Субъектив тарзда қизиқиш объектни чуқурроқ ўрганиш, у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уни тушуниш истагида билиш жараёнига эга бўладиган ижобий эмоционал тонда намоён бўлади. Одатда, шахс йўналганлигини ифодаловчи қизиқишнинг қондирилиши унинг сўнишига сабаб

бўлмасдан, уни ичдан ўзгартиради, бойитади ва чуқурлаштиради, билиш фаолиятининг юқори даражаси талабларига жавоб берувчи янги кизиқишларни уйғотади. **Эътиқодлар** – бу шахсни ўз карашлари, тамойиллари, дунёқарашига мувофиқ равишда ҳаракат қилишга ундовчи мотивлар тизими. Эътиқодлар шаклидаги эҳтиёжлар мазмуни – бу табиат ва жамиятни ўраб турган олам ҳақидаги билимлар, уларни муайян тарзда англаш. Бу билимлар тартибли ва ичдан ташкил топган карашлар (фалсафий, этика, эстетика, табиий-илмий) тизимини ҳосил этганида, улар инсоннинг **дунёқараши** сифатида ўрганилиши мумкин.

Шахс **майли** – бу аввалги тажрибада шаклланган, объектни айнан **маълум шаклда** идрок қилиш, тушуниш ёки у билан ҳаракат қилишга тайёрлик, мойиллик.

Кўпчилик майлларнинг янглиш моҳияти, ёки инсон шахсий тажрибасидаги баъзи фактлардан шошилиш ва етарлича асосланмаган ҳолда чиқарилган хулосаларнинг натижаси, ёки **фикрлаш стереотипларини** – маълум ижтимоий гуруҳда қабул қилинган хилларга ажратилган мулоҳазаларни танқидсиз ўзлаштириш натижаси бўлиб ҳисобланади. Жамият ҳаётидаги турли фактларга (ҳодисалар, одамлар ва бошқалар) нисбатан огоҳлантириш хусусиятига эга бўлган майллар **ижобий** ва **салбий** бўлиши мумкин. Майллар у ёки бу даражада англалмаган бўлиши мумкин. Психологик тадқиқотлар томонидан майл тузилишида уч таркибий қисм ажратилади: **когнитив** таркибий қисм инсон билишга ва идрок қилишга тайёр тасвир намунасидир; **эмоционал-баҳолаш** таркибий қисм майл объектига нисбатан хайрихоҳлик ва хуш кўрмаслик мажмуасидир; **хулқ-атвор** таркибий қисм – майл объектига нисбатан маълум тарзда ҳаракат қилиш, ирода кучини амалга оширишдир.

Психология тарихида шахснинг психологик моҳияти ҳақидаги тасаввурларга кўп марта ўзгартиришлар киритилган. Авваламбор, шахсни, айнан, психологик тушунча сифатида англашнинг зарурияти



билан боғлиқ назарий қийинчиликларни бартараф этишнинг энг ишончли воситаси шахсни психологик воқелик каби ташкил этувчи таркибий қисмларни санаб ўтиш ҳисобланади. Бу ҳолатда шахс инсон психикасининг сифатлари, хоссалари, қирралари, ўзига хос хусусиятларининг тўплами сифатида майдонга келади. Муаммога бундай ёндошиш А.В. Петровский томонидан «коллекция тўплаш» деб номланган, бунда шахс ўзида темперамент, характер, қизиқишлар, лаёқатлар ва ҳ.к.ларнинг қирраларини мужассамлаштирган қандайдир катталиқ, ҳажмга айланади.

XX аср 60-йилларининг ўрталарида шахс умумий тузилишини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказишга қаратилган ҳаракатлар бошлаб юборилди. Бу йўналишда шахсни биоижтимоий, тартибли тузилиш сифатида таърифлаган К.К. Афлотуновнинг ёндошуви эътиборга лойиқ. У шахс тузилишини қуйидагиларга ажратади:

1. Йўналганлик (фикрлар, дунёқараш, майллар, истаклар, қизиқишлар, мойилликлар, идеаллар каби шаклларни ўз ичига олади). Бу тузилиш ости тарбия йўли билан шаклланади.

2. Тажриба (таълим олишда шахсий тажриба воситасида орттириб бўлинган, лекин шахснинг биологик ва ҳатто, ирсий белгиланган хоссаларининг сезиларли таъсири остидаги билимлар, малакалар, кўникмалар ва одатларни бирлаштиради).

3. Акс эттириш турли шаклларининг индивидуал хусусиятлари (ҳис этиш, идрок, хотира, тафаккур, ҳиссиётлар, туйғулар, ирода).

4. Биопсихик хоссалар ўзида темперамент хусусиятлари, шахснинг жинс ва ёш хусусиятлари, патологик, органик ўзгаришларни бирлаштиради (7.1 жадвал).

Бу тўрт таркибий қисмга яна икки таркибий қисм жамланади: мустақил таркибий қисм бўлиб ҳисобланмайдиган шахснинг умумий сифатларидан иборат, асосий таркибий қисмларнинг ҳар бирининг хусусиятларидан ташкил топган характер ва лаёқатлар.

Бундай ёндошувнинг асосий камчилиги шундан иборат эдики, шахс умумий тузилиши унинг биологик ва ижтимоий белги, хусусиятларининг йиғиндиси сифатида изоҳланар эди. Натижада шахс психологиясида шахсдаги ижтимоий ва биологик хусусиятлар нисбати муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Лекин, аслини олганда, биологик хусусиятлар инсон шахси таркибида ижтимоийга айланади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

### адабиётлар рўйхати:

1. Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
2. “Психология” Уч. Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
3. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. “Центр” 2003
4. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
5. Ананьев Б.Г. “Человек как предмет познания”. “Питер”, 2001.
6. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
7. Бурлачук Ф. Психодиагностика. “Питер”, 2002.
8. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.
9. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

##### **1 – Мавзу. Таълим жараёни ва тадбиқий ижтимоий психология**

Таълим жараёни ва тадбиқий ижтимоий психология, тадбиқий ижтимоий психология табиий ва ижтимоий фан сифатида, тадбиқий ижтимоий психология фанининг предмети ва асосий йўналишлари, тадбиқий ижтимоий психологиянинг асосий муаммолари.

##### **Адабиётлар рўйхати**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.

4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001

5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

##### **2 – Мавзу. Педагог фаолиятида тадбиқий ижтимоий психология ва мулоқот**

Тадбиқий ижтимоий психологиянинг илмий йўналишлари ва мактаблари, мулоқот тушунчасининг ижтимоий-психологик мазмуни, мулоқот воситалари, новербал мулоқот, вербал мулоқот, паралингвистик мулоқот, мулоқотнинг коммуникацив, интерактив ва перцептив томонлари.

##### **Адабиётлар рўйхати**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.

4. Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001

5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

### **3– Мавзу: Тадбикий ижтимоий психология фани психология фанининг тармоқлари билан боғлиқлиги**

психология фанининг тармоқлари, тадбикий ижтимоий психологияда оила психологияси ва шахс психологияси, тадбикий ижтимоий психологиянинг амалий психология, психодиагностика, психотерапия, психогигиена ва психокоррекция соҳалари билан боғлиқлиги, никоҳ ва оила соҳасидаги тадбикий тадқиқотлар, оиладаги шахслараро муносабатлар ва уларнинг шахс шаклланишига таъсири.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1.Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2.Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3.Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.

4.Кузмин Е.С. Основы социальной психология ЛГУ 2001

5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

### **4 – Мавзу. Тадбикий ижтимоий психологияда шахс муаммоси.**

Инсон, индивид, шахс ва индивидуаллик, «шахс» тушунчаси тарихи ва уни психологик тарзда тушуниш, шахс тузилиши.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1.Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.

2.Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.

3.Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.

4.Кузмин Е.С. Основы социальной психологияЛГУ 2001

5.Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М.  
2001

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1. - Кейс топшириғи

Катта илмий ходим ўзининг илмий тадқиқот иши бўйича методика танлашга зарурат сезди. Унга тадқиқот иши бўйича бир нечта методика тавсия этилди. Методикани ишончлилиқ масаласи бўйича сизга маслаҳат билан мурожаат қилди. Сиз ушбу масала юзасидан катта илмий ходимга кўрсатма беришингиз керак бўлиб қолди.

#### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Сиз ўз тавсиянгизни ишлаб чиқинг ва уни зарурат сезган ходимга тавсия этинг

### 2 -Кейс топшириғи

Психолог ташкилотдан психологик хизмат масаласи бўйича буюртма олди. Буюртмага кўра ташкилотдаги социал-психологик муҳитни ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатини ўрганиш масаласини қўйди. Психолог буюртмани олгач, тадқиқот ишларини амалга оширишни компьютер дастуридан фойдаланиш масаласини ташкилот раҳбариятига маълум қилди. Тадқиқот ўтказилишидан бир кун олдин психологга ташкилотга бир ҳафта мобайнида авария туфайли электр қуввати бўлмаслиги ва уларнинг буюртмасини кечиктирмасдан ўтказиш кераклигини маълум қилишди.

#### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Психолог психолог тадқиқот доирасидаги буюртмани ҳал қилиши учун қандай йўл тутиши керак бўлади. Масалани ҳал этиш юзасидан ўзингизни самарали вариантини тақдим этинг.

### 3– Кейс топшириғи

Корхонада иш самарадорлиғи тушиб кетди. Рахбар ходимларини жазолаш учун ойлик иш ҳаққиларини камайтириши тўғрисида қарор қабул қилди. Корхона раҳбари ва ходимлар шу масала бўйича келиша олмай жанжаллашиб кетдилар ва бир-бирларини беҳурмат қилиб ҳақоратга ўтдилар. ходимлар раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатларини кўриб нима дейишни ҳам билмай қолдилар.



**Бу масала қандай хал қилинади? Раҳбар ва ходимларнинг ҳаракатлари тўғрими?**

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

-амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

- 1.Ижтимоий психологик ғоялар шаклланиши тарихи .
- 2.Ижтимоий психология фанининг предмети.
3. Шахслараро муносабатлар тизимида муомаланинг ўрни.
- 4.Мулоқотнинг коммуникатив томони
- 5.Ижтимоий психологияда гуруҳлармуаммоси.
- 6.Кичик гуруҳлар психологияси
- 7.Ижтимоий установка.
- 8.Халқлар психологияси.
- 9.Ижтимоий психология фанининг методлари.
- 10.Лидерлик ва раҳбарлик.



## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>индивидуал</b>	туғма ва ўзлаштирилган хусусиятларнинг ноёб уйғунлигини ифодаловчи алоҳида инсон.	the individual as a unique combination of its innate and acquired properties..
<b>Коммуникация</b>	(lot. communicatio — umumlashtiraman, bog‘layman) Инсон яратган техникавий тизимларда қуйидаги 4 та асосий К. тури бор: "инсон-инсон", "инсон- машина", "машина- инсон", "машина- машина".	Communication is simply the act of transferring information from one place to another
<b>“Юмшок куч”</b>	“номоддий, билвосита таъсир кучига эга бўлган – маданият, қадриятлар ҳамда мафкура кабилар орқали дипломатик таъсирни ўзи ичига олади	Soft power is a concept developed by Joseph Nye of Harvard University to describe the ability to attract and co-opt rather than by coercion (hard power), using force or giving money as a means of persuasion. Soft power is the

		ability to shape the preferences of others through appeal and attraction
<b>Метод</b>	<b>(синоними – усул):</b> воқеликни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш операциялари ёки усуллари йиғиндиси.	(synonym - method): set of methods and operations of practical or theoretical understanding of reality.
<b>Методология</b>	фанлар учун йиқналиш берадиган илмий билиш ҳисобланиб, у фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларини мажмуи ҳисобланади.	This is usually a ready-made "recipe", an algorithm, the procedure for carrying out any action aimed.
<b>Индивид</b>	туғма ва ўзлаштирилган хусусиятларнинг ноёб уйғунлигини ифодаловчи алоҳида инсон.	the individual as a unique combination of its innate and acquired properties.
<b>Интраактивлик</b>	инглизча «Interack» сўзидан олинган бўлиб – ўзаро муносабат, бир-бирига боғлиқлик, ўзаро алоқа. Бу технология бир нуқтадан иккинчи	Interaction is a kind of action that occurs as two or more objects have an effect upon one another. The idea of a two-way effect is essential in the concept

	<p>нуқтага ахборот алмашаш шароитини яратади, яъни алоқа жараёнидаги барча иштирокчиларни бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлайди</p>	<p>of interaction, as opposed to a one-way causal effect.</p>
<b>Мулоқот</b>	<b>Мулоқот</b>	<b>communication</b>
<b>Конвергенция</b>	<p>бирлашиш, қўшилиш маъносини билдириб, ОАВ соҳасида икки йўналишда намоён бўлади: а) бир канал орқали турли медиа воситалар иштирокида ахборот етказиш; б) бир тахририят остида турли медиа каналларнинг мавжудлиги (матбуот, Интернет нашр, ТВ ва радиоканал ва х.зо).</p>	<p>In general, convergence is a coming together of two or more distinct entities or phenomena. Convergence is increasingly prevalent in the media; in this context the term refers to the combination of two or more different technologies in a single medium.</p>
<b>Психологик эксперимент</b>	<p>текширилувчиларнинг ҳаёт фаолиятига мақсадли илмий аралашув орқали психология ҳақидаги янги илмий билимларни олиш учун махсус шароитларда ўтказиладиган тажриба.</p>	<p>held in special conditions of experience to produce new scientific knowledge about the psychology of researchers through targeted interventions in the vital activity of</p>

		the test.
<b>Психологик тадқиқот</b>	психик ҳодисаларни илмий ўрганишдир	scientific study of psychic phenomena
<b>Визуализация</b>	маълумотларни визуал ҳолатга ўтказиш талаби ва жараёни	Visualization is any technique for creating images, diagrams, or animations to communicate a message. Visualization through visual imagery has been an effective way to communicate both abstract and concrete ideas since the dawn of man.
<b>Расмий гуруҳ</b>	Расмий гуруҳ	formal group
<b>Социал психология</b>	<b>Социал психология</b>	Social psychology

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2012, 172 б.
3. Ғозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
4. Кузмин Е.С. Основы социальной психологияЛГУ 2001
5. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001

### **Қўшимча адабиётлар:**

6. Свеницкий А.Л. Социальная психология управления. Л., МГУ. 1985
7. Каримова В.М. Психология. Т. 2002.
8. Прикладная социальная психология. М. 1999
9. Немов Р.С. Психология в трех томах. М, 2005
10. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. «Университет». 1999

### **Веб сайтлар**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. <http://psychol.ras.ru>
3. [www.koob.ru](http://www.koob.ru)

